

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган



Суратда: Умрбек Машарипов (биринчи қатор ўнгдан иккинчи) оила аъзолари билан.

ОДДИЙЛИК — УСТУН БЎЛСА...

20 йил аввал "Уллибек" колхозида иқтисодчиликдан иш бошлаган Умрбек қишлоқ хўжалиги ахлининг "бору йўғи"ни яхши билгани учун ҳам уларга ёрдам беришни ният қилган. Бугун Умрбек Машарипов "Пахтабанк"нинг Туртқул туман бўлими бошқарувчиси бўлиб ишламоқда. Билишимизча, мазкур банкнинг миқозларидан 400 таси фермерлар экан. Банк асосан қишлоқ хўжалиги ходимлари,

МТП, пахта заводи, нефть маҳсулотлари омбори жамоасига хизмат кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу ерда миқозларга имтиёзли қарз бериш йўлга қўйилган. Меҳнаткашларнинг узоғини яқин қилиш учун 5 жойда минибанк ишга туширилган. Умрбек рафикаси Гулбаҳор ва 5 фарзанди билан тонгда туриб, ҳовлидаги экинларнинг тагини чопади, мол-ҳолга қарайди, ток, дарахтларни тар-

тибга солади: "Рўзғорга зарур маҳсулотлар ўзингдан чиққанига нима етсин, - дейди Умрбек. - Отам боғбон бўлганлари учунми, бўш ерни кўрсак, бирор мевали дарахтми, экинми экишга одатланганмиз"...

Санобар **ФАХРИДИНОВА**

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



ЎЗ КАСБИГА ФИДОЙИЛАР



Беш яшар қизалоқни яқинлари ҳазиллашиб, "дўхтир опа", деб чақиршарди. Чунки у доим: "Катта бўлсам дўхтир опа бўламан", дерди. Уша қизалоқнинг ҳақиқий дўхтир опа бўлганига ҳам қирқ йил бўлиб қолди. Гап Тошкент шаҳридаги 3-туғруқхона мажмуаси бош дояси Жамила Қосимова ҳақида борапти. Шифокорнинг меҳнати туфайли оналик бахтига етган аёлларнинг сон-саногии йўқ.

- Шунча йиллардан бери шифокор бўлиб ишлаётган бўлсам ҳам мустақиллигимиздан кейингина ўз ишимдан қониқиб меҳнат қиляпман, - дея гап бошлади доя опа. - "Оила ва жамият"нинг илгариги сонларидан бирида бир мақола ўқиган эдим. Унда бир бувининг маҳаллама-маҳалла юриб келинликка она сути билан катта бўлган кизни қидираётгани ҳақида ёзилган эди. Хозирда она ва бола саломатлиги борасида олиб бораётган сиёсатимизда айнан шу масала муҳим ўрин тутди. Оғиз сути билан озикланиш бола эмланди, иммуни-тет пайдо бўлди, дегани. Аввал соатга қараб эмдириларди, ҳозир бола истаган пайтда эмдирилади. Олдин она ва бола алоҳида хоналарда ётқизиладди, ҳозир эса ёнма-ён ётишади. Бунда боланинг хотиржам ухлаши кузатилди. Айниқса чақалоқ туғилган заҳоти онанинг қорнига қўйилади. Оқибатда биз жуда кўп қулайликларни кузатдик. Яъни, аёлларимизда қон кетиш ҳолати камайди, бачадоннинг қисқариши, йўлдошининг тушиши осон кечмоқда. Энг муҳими бола она қорнидаги иссиқликдан чиққач улар орасидаги ҳароратда узилиш бўлмайди. Меҳр занжири пайдо бўлади. Бундан ташқари ҳозирги техник қулайликларни айтмайсизми? Биз шифокорлар учун яратилган бундай имкони-ятлар, эътибордан кейин жон кўйдириб ишламаса бўлмас.

- Бу касбнинг машаққатли томонлари кўп. Аёл эса кўпроқ оиласини ўйлайди. Ҳеч афсус қилган вақтингиз бўлганми?

- Тўғри, аёл учун муҳими оила, фарзанд. Лекин сиз бу касбнинг замирида инсон тақдирини, соғлиги ётишини ўйласангиз ҳар қанақа қийинчиликини енгасиз. Менинг икки қизим ҳам шу туғруқхонада ишлайди. Бир неонатолог врач, иккинчиси УЗИ шифокори. Уларга ҳам мен доим шу гапни такрорлайман.

- Демак қизларингизни ҳам ўз касбингизга йўналтирибсиз-да.

- Агар уларнинг ўзларида хоҳиш бўлмаса, мен ҳеч қачон йўналтиролмадим. Бу касбда мажбурлаб бўлмайди. Қизларимнинг ўзлари шифокор бўлишни мақсад қилганлари учун мен уларга маслаҳатчи бўлдим. Яхшиси уларнинг ўзларидан сўранг.

Биз ёш шифокорлар Зумрад ва Мухайё Облоқуловларни ҳам суҳбатга чорладик.

- Мен болалигимда тез-тез оймнинг ишхонасига бориб турардим. Чақалоқчаларга меҳрим ана ўшанда тушиб қолган. Баъзан чақалоқ вазнига етмай ёки бошқа бир камчиликлар билан дунёга келади. Шу пайтда биз шифокорлардан кучли билим, маҳорат талаб қилинади. Ҳар гап шу ердан соғайиб чиқиб кетган чақалоқнинг онаси: "Бу сизнинг болангиз", деганида қувониб кетаман.

Тўғри ҳали ёшимиз, изланишимиз, ўрганишимиз керак. Бу йўлда ота-онамиз бизга энг биринчи устоз.

Зумраднинг фикрлари-ни тасдиқлаб турган синглимиз Мухайёхон ҳам гапга аралашади:

- Бизнинг бахтимиз шундаки бу улғу касбга меҳрни ота-онамиздан олганмиз. Шифокорлар силасида воёга етдик. Адам ҳам шифокор. Улар: "Уртамиёна врач бўлиш учун 10 йил ўқиш керак, яхши врач бўлиш учун умр бўйи ўқиш зарур", дейдилар. Ҳатто турмушга чиқаётганимда куёвларига илмий иш қилиш шарти билан узатганлар. Демокчи бўлганим инсоннинг ҳаётида оиладаги муҳит асосий рол ўйнаган.

Матлуба **ШУКУРОВА**

ЎЗ ДАРДИ КАБИ...

Фарзанд кўрган ота-онанинг қувончига таъриф йўқ. Аммо қувонч саккиз йилдан кейин келса-чи? Саккиз йил ёш келин-куёв уйда чақалоқ йиғиси аштитилмаса - бу оғир дард. Унинг устига элчилик, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Ҳар ким ҳар хил гап чиқаради. Дард устига чипқон.

Кумрихон Қайнарова ана шуларни ўйлаб, юрак-бағри эзилиб кетди. УЗИ шифокори Шерали Нуров "ҳеч қандай жиддий касалингиз йўқ. Ҳаммаси яхши бўлади, фарзанд кўрасиз", деганида ҳам аввалига ишонмади. Бироқ кўнглининг бир четида умид учқунланди...

Орадан бир йил ўтгач, Кумрихон Шерали Нуровнинг олдига кириб келди. Қўлида чақалоқ, кўзлари қувончга тўла. Шифокорга миннатдорлигини қандай изҳор этишини билмас, хаяжондан ўзини кўйрага жой тополмас эди.

- Отини Қувондик қўйдик, - деди ниҳоят ўзини босиб олиб. Кумрихоннинг сўзини турмуш ўртоғи давом эттирди: - Сиздан бир умр миннатдормиз, дўхтир...

Сариосиё тумани марказий шифохонасининг узи ва гинеколог шифокори Шерали Нуров бундай қувончларга кўп шерик бўлган, қанча-қанча одамларнинг ташаккурини эшитган. - Уша аёл нега саккиз йил фарзандсиз юрган? - дейди Шерали Нуров.

- Гапнинг лўндасини айтганда, оддийгина эътиборсизлик. Яъни бачадони шамоллаган, у вақтида даволаниш ўрнига

табибга қатнаган. Охири ҳатто фарзанд кўришдан умидини узган, бир умр тирноқча зор бўлиб ўтаман энди, деб юрак-бағри эзилиб кетган. Яхшиям кимдир маслаҳат берибди. Шифохонага келди. Акс ҳолда бу дунёдан чақалоқ йиғисига, кулгусига зор ўтиб кетиши ҳам, ўзини-ўзи еб адо қилиши ҳам ҳеч гап эмасди. Қишлоқ аёллари ўзига қарашга, соғлигини асрашга кўпинча эътибор беравермайдилар. "Манави иш бита қолсин, анови ишни қила қолай", деб жони ҳалак. Касаллик зўрайганда эса баъзан кеч бўлади.

Бола соғлом туғилиши учун эса аввало ҳомилдор аёлга зарур шароит яратиш лозим. Оғир меҳнатдан озод этиш, овқатига қаттиқ эътибор бериш шарт. Ҳолбуки, ойи-қуни яқинлашган аёллар ҳам оғир меҳнат қилиб юганини кўрганмиз. Кўплари овқатига эътибор бермай, қуруқ нон, чой билан юраверди. Булар тамоман зарар.

Шунингдек, болаларнинг ёши ўртасидаги фарққа эътибор бериш лозим. Баъзан шундай фактлар учрайди. Йилнинг бошида ва охирида туғилган ака-укалар бор. Бир ўйлаб кўринг, бу аввало онага, қолаверса ўша болаларнинг соғлом, дуркун ўсишига салбий таъсир этади. Ахир она ҳали ёшига тўлмаган боласига қарасинми ёки бешиқдаги чақалоқига?

Шерали Нуров йигирма йилдан бери гинеколог ҳамда УЗИ шифокори сифатида туман аҳолисининг хурматини қозониб келаёттир. Уни танимайди-

ган, ҳурмат қилмайдиган одам Сариосиёда кам. Бу йиллар давомида унинг шифобахш кўлларида қанча беморлар даво топдилар. У не-не мураккаб операцияларни бажарди. Бинобарин, энг оғир операцияларга Шерали Нуровни чақирди. У ҳатто меҳнат таътили вақтида ҳам оғир бемор келса, мураккаб операция чиқиб қолса, албатта етиб келади. Ўнлаб хотин-қизларнинг кўпчилиги билан Шерали Нуров ака-сингил ёхуд опа-ука каби яқинлашиб кетган. Ҳалима Умарова ана шулардан бири. У шифохонага келганда аҳволи анча оғир эди. Шерали Нуров дарҳол текшириб кўрди. Ҳалиманинг бачадонида каттагина без бор экан. Шу без оғир бериб, юракка ҳам таъсир этган. Зудлик билан операция қилиб, безни олиб ташлаш керак, деган ҳулосага келди ва ишга киришди. Ҳозир Ҳалима ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди. Ҳалиманинг қизи Шералини "тоға" деб чақиради.

Олий тоифали шифокор Шерали Нуров беморларга ўз онаси, опа-синглиси каби муносабатда бўлади. Зотан, кичик укаси дунёга келганда онаси қанчалар азоб чеккани ҳамон унинг эсида... У ўз билими, куч-иродаси ва тажрибасини ана шундай эзгу ишга бағишлаган. Шу боис шифохонага келган беморни шифокор Шерали Нуров кўраган деса, ҳаммининг кўнгли хотиржам бўлади.

Аннамурод **ЖУМАКУЛИЕВ**, Сурхондарё вилояти, Шарғун шаҳри.



боғлиқ. Жамоа раҳбари Гулнорахон Маматованинг ҳаракатлари билан ўзларининг катта боғларига, тегиримонларига эга бўлишди. Ундан келган даромад янги авлодимиз - болаларимизнинг баркамол, соғлом бўлиши учун сарфланмоқда. Боғдан чиққан меваларнинг бир қисми болалар



лари учун имконият яратиш бўлди. Учта мактабнинг реконструкция қилдирик. Олтита мактаб капитал ва учта мактаб жорий таъмирдан чиқарилиди. Олтита мактабда лаборатория ускуналари, "фан кабинетлари" учун жиҳозлар ва дарслик китоблари етказиб бердик. 2004-2009 йил "Таълим Дастури"даги вазир

ҲАЁТДАН ҲИКМАТ ИЗЛАБ...

Фаргона вилояти Бешарик тумани халқ таълими бўлими мудири Қаноатхон Исмаилов билан 4-боғча-мактабда учрашдик.

Бир вақтлар молиявий мустақил ёки хусусий боғча ҳақида орзу ҳам қилолмасдик, - дейди Қаноатхон хурсанд бўлиб. - Мана қаранг, ўзи-ўзига ҳўжайин, ўз маблаг, ўз режасига эга боғча-мактабларимиз бор. Иссиғиям, совуғиям ўзиники. Давлатнинг 1 йилга мўлжаллаб берган маблагини кўпайтириш ёки камайтириш жамоанинг тadbиркорлигига, ташкилотчилик қобилиятига

тоамномасига қўшилса, бир қисмидан компот тайёрланиб, қишда уларнинг дастурхонига тортилади. Боғча-мактаб болалари учун сотиб олинган спорт анжомлари, компьютерлар эса тегиримонларининг шарофати тўғйилидир.

- Булар-ку ўзини-ўзи эплашаётган экан, бошқа таълим ўчоқларида ҳам шароит яхшими? Улар ёрдамга муҳтож эмасми?

- Очиғи, 2005 йилдан таълим тизимини бошқараётган бўлсам, биринчи ишим - мактабларда ўқувчиларнинг бахри-дили очилиб, ўқиш-

фаларни бажариш учун бор кучимизни чоғлаганмиз. Ишларимизнинг ривожига бўйича эса вилоятда иккинчи ўринга чиқдик...

Қаноатхоннинг ходимларига ҳам, дўгоналарига ҳам айтганидан гапи: "Аёл уйдаги вазиятни, шароитни, руҳиятни жамиятга мослаштиришга эришиши керак. Ушангагина у ўз орзуларига эришади!" Қаноатхоннинг ҳаётдан толган бу ҳикматида катта ҳақиқат бор, шундай эмасми!



баҳраманд. Бўлимнинг 66 нафар ходими доим ҳамшахарлари ҳолидан хабардор. Беморларни шифокорга олиб бориш, рўзғорига озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш, уй ишларига ёрдамлашиш вақти келса сайрга олиб чиқиш ҳам бўлим

аёлларнинг меҳнат таътилига 3 кун қўшиб берилиши, 20 йил иш таърибасига эга бўлган опа-сингилларимизнинг 54 ёшдан нафақага чиқиши ҳақида суҳбатлар ўтказди. Кам таъминланган оилаларга белгиланган имтиёзларни қўллаб, уларга ёрдам беради. Опанинг саъий-ҳаракатлари билан бу йил 84 нафар аёл иш билан таъминланган бўлса, 200 дан зиёд нафақадорларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилди. Қўллаб ногиронларга ва боқувчиси йўқ, парваршига муҳтож одамларга

Кўнгишлар бут бўлсин!

Наманган вилояти Наманган шаҳри социал таъминот бўлими бошлиғи Уғилхон Дадабеванинг ҳузурига келган одам ҳеч қачон хафа бўлиб кетмаган. Тумандаги 80 фоиз аяқ-ёлғиз, ногиронлар Уғилхон опанинг меҳру саховатидан

жонқуярлари зиммаларига олишган. Уғилхон опа эса аёлу эркакнинг ҳуқуқини, ҳуқуматнинг янги чиққан фармонларини, янгиликларни ҳамшахарларига етказишдан, тушунтиришдан чарчамайди. 16 ёшгача фарзанди бўлган

аравачалар ва моддий кўмак уюштирилди. Уғилхон опанинг нияти-ҳар бир инсон ҳуқуматимиз яратиб қўйган имконият, имтиёزلардан тўлиғича фойдаланган ва бу саховатпеша элу юртининг қадрига етсин. **Санобар ФАХРИДИНОВА**

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Тошкент шаҳридаги Фаттоҳ Назаров номи 23-сон болалар мусиқа мактаби ўқувчилари Абдор Ҳидоятлов номидаги драма театрида хайрия концерти қўйиб бердилар.

Мактаб хор жамоаси, дуторчилар, доирачилар ансамбли, яхқохон созанда ва хонандалари ижро этган куй ва қўшиқлар, халқаро танловларда бир неча марта биринчи ўринни эгаллаган "Настарин" ракс дастасининг, айниқса шу мактаб тарбияланувчиси, халқимиз орасида ўз қўшиқлари билан танилиб қолган ёш эстрада хонандаси Дийрбек Маҳкамнинг қўшиқлари концертга таширф буюрган меҳмонларда илҳ таассурот қолдириди.

Мактабимизда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ҳам тахсил олишди, - дейди мактаб директори Олим Муҳиддинов. - Концерти ўтказишдан мақсадимиз ана шу болалар йил давомида бепул сабоқ олишларига имкон яратиш, улар учун мусиқа асбоблари ва дарсликларни, концерт дастурларида иштирок этишлари учун кийимлар олиб бериш, мактабимизнинг моддий-техник имкониятларини яхшилашдан иборат. **Хулқар АМАНҚУЛОВА.**

ШИФОКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Соғлом авлод учун» жамғармасида бир гуруҳ шифокорларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Жамғарма ўтган йиллар мобайнида қўллаб юқори малакали шифокорларни соғлом авлод тарбияси йўлида ишлаб чиқилган дастурларни амалга оширишга жалб этди. Хориждаги ўндан зиёд хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. - Аёллар ва болалар саломатлигини асрашда, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда шифокорларнинг хизмати беқийсдир, - дейди жамғарма ижрочи директори Дилбар Олимжонова.

Тантананада Тошкент тиббиёт академияси, республика акушерлик ва гинекология ИТИ, 1-Тошкент шаҳар клиник шифохонаси, "Алишер Тиббиёт" клиникаси каби тиббиёт масканларининг йигирма нафардан зиёд шифокорлари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Туркистон-пресс»

ШУКРОНАЛИК

Қадриятларимиз

Бизнинг оиламиз собиқ дахрий тузум таъйиқларидан четда қолмаган. Отанам 1932 йили Ўзбекистондан Шарқий Туркистоннинг Гулжа шаҳрига кўчиб бориб қолганлар. Бунга отамнинг мулла ва қори бўлганлиги сабаб эди. Биз ота-онамизнинг мусофирликда йиғлаб ўтирганларини кўп кўрганмиз. 23 йил Гулжа шаҳрида яшадик. 1955 йилда қанча машаққатли йўللари босиб ўтиб, Ўзбекистонга кўчиб келганмиз.

Асрлар давомида орзу қилган кунларга етиб келдик. Ватанимиз мустақил бўлди. Юртбошимиз раҳнамолигида 15 йил ичида юртимиз таниб бўлмас даражада обод ва кўркам қиёфага кирди, миллий ва диний қадриятларимиз тикланди ва юксалди. Эмин-эркин рўза тутадиган, намоз ўқийдиган, диний байрамларни нишонлайдиган бўлдик. Минглаб юртдошларимизнинг муборак ҳаж амалларини адо этиб қайтишларига давлатимиз барча имкониятларини яратиб бераётди. Буюк аждодларимизнинг макбаралари таъмирланиб, бебаҳо асарлари эъзозланди. Масжид ва мадрасалар асл ҳолига қайтиди ва янгилири қурилди. Қўқалдош мадрасаси ҳам мусулмонлар ихтиёрига берилди. Мустақилликнинг да-

стлабқи йиллари эди. Бозорга кетаётиб, Қўқалдош мадрасаси пештоқида Ўзбекистон байроғи хилпираб турганини кўриб, кўзимга севиноч ёшлари келди. Пешин вақти бўлгани учун одамлар намозга йиғилган экан. Биз ҳам қўшилишиб намоз ўқидик. Шу ерда эски танишим Наим хожи Жураевни кўриб, ҳол-аҳвол сўраганим, у киши: "Катта ишга қўл уриб қўйдим. Шу мадрасани олдинги ҳолатига қайтариб, Ўзбекистон ёшлари диний таълим олишига шароит яратмоқчи ният қилдим", дедилар. Шаҳар ва туман ҳокимликларининг яқиндан берган ёрдамлари, савобталаб юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан таъмирлаш ишлари қизиб кетди. Хозирги вақтда Қўқалдош мадрасаси Ислом ўрта махсус билим юртига айланган.

Рўза кунларининг бирида: "Бугун Қўқалдош мадрасасида хатм Қуръон бўлар экан", деган хабарни эшитиб қолдим ва зудлик билан етиб бордим. Узғаришларни кўриб, ҳайратда қолдим. Гўё ўзини Бухорою Самарқанд ёки Мадинаи мунавварада тургандай ҳис қилдим. Қўзларимдан беихтиёр хурсандчилик ёшлари тўкилди. "Мана, сенга мустақилликнинг шарофати! Яша, мустақиллик!" деб хурсанд бўлдим.

Абдулборий хожи Иброҳим хожи ўғли.

УМИД ЯПРОҚЛАРИ

"Гулхан" журналини ҳақли равишда авлодлар мударриси дейиш мумкин. Журнал йилдан-йилга янгилашиб, замонийлашиб бормоқда. "Мустақиллик болалари", "Дунёларга бўйлашиб" каби рўқналар очилдики, улар болалар оламининг ўзига хос қаҳрамонларини кашф этди. Уларни ибрат қилиб кўрсатиш орқали ихтирочи, ташкилотчи, ташаббускорлар сафини кенгайтиришга эришди.

"Ибратли хикоятлар", "Тарбия соати", "Бобомдан билганларим", рўқналари эса зиммасига ўта маъсулиятли вазифаларни олганки, хоҳ тўпалончи бўлсин, хоҳ иккинчи, хоҳи ҳулқи ёмон - у ҳар қандай ўқувчини одобнинг, ақлнинг мўъжазгина дунёсига бошлайди. Жаҳон адабиёти, "Навоий олами", "Ғазал қасрининг маликалари", "Бир китоб ўқидим" рўқналари эса ўзининг қимматли, нодир асарлари билан нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар учун ҳам зарур маълумотлар сандиғига айланади. Балоғат остонасида яна бир толиблик босқичи - улғайиш сабоқларидан ийманибгина тахсил олаётган жажжи қалб


кечинмаларини ишончли ҳамроҳ билан баҳам кўргиси, гапларини айтгиси келди. Уларнинг ақин дусту "Гулхан" бу муҳим ҳудудни ҳам унутиб қўйгани йўқ, "Кел, сирлашамиз", "Қизалогим", "Митти кўнглим" саҳифалари орқали ғойибона мулоқотлар, ошқора изохлар билан ҳар кун ҳамнафас. Журнал қошида "Жажжи жилғалар" тўғарағи фаолит курсатмоқда. Тўғарак иштирокчиларининг ижодий ишлари журналда мунтазам чоп этилапти.

Бугун кўз олдимизда улғаетган жажжи болақалар эртага мана шу жамиятнинг ворислари, ҳақиқий эгалари бўлишади. Фарзандининг камолига бефарқ бўлмаган ота-она, ўқитувчи обуна мавсумида таҳририят жамоасига яқиндан ёрдам беришига аминмиз. Зеро:

Умид билан суқилган таёқ - Бир кун бирар меваю япроқ, - деган ҳикматли сатрларнинг биз ўйлаб тоганимиз йўқ. У - асрлар таърибаси. Ахир ёш авлод - бизнинг умид япроқларимиз.

Умида САДАТОВА, "Гулхан" журнали, адабиёт ва санъат бўлими муҳаррири.

Обуна—2007



"Оила ва жамият" корхонамиз меҳнат аҳлининг энг сеvimли газеталаридан бири. Шу сабабдан ҳам 38 нафар ходимимиз 2007 йил учун "Оила ва жамият"га обуна бўлишди. Хозирги кунда ҳам обуна давом этмоқда. 25-ноябр куни энг

яқин синфдош дўстим Искандаров Мадами 54 ёшга қадам қўяди. Бу дўстим ҳаётда қувноқ йигитлардан бири. Доимо халқимиз хизматсида. Туман газ таъминоти идорасида қиланган вазифасида ишлайди.

Унинг яна бир қизиқадиган машғулоти ҳаваскор овчи-балиқчи. Ушбу сувратда ўзининг сеvimли набибалари Шаҳодат, Камронбек ва Жавохирлар билан. Дўстим қаригида сунъадиган кишилари ҳам шуларда. Мен синфдош дўстлари, оила аъзолари ва неваралари номидан дўстимни қизгин муборакбод этаман. Умри узок, бундан кейинги ҳаёти порлок, яхши ниятлари ўзига йўлдош бўлишини тилайман.

Курамбой ОТАЖОНОВ, Хоразм вилояти, Хонқа дон маҳсулотлари корхонаси ходими.

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Бир воқеа сабаб бўлди-ю, болалик онларимнинг унутилмас чоғларини ёдга олдим. Болалигимизда онам бирор ерга кетар бўлса, укам ичкиби қўйналар, уларнинг исларини хумор қилиб йиғлар эди. Шундай вақтларда мендан катта онам унинг бошига онамларнинг табаррук рўмолларини ёлганча бағрига босиб алла айтар, укам эса шу рўмол ифориға маст бўлиб ухлаб қолар эди. Кечалари эса онам бир ёнига синглимини, иккинчи ёнига укамни ётқизар, ҳар иккисини кучганча эртак айтиб берар эдилар. Катта бўлсамда, мен ҳам ёнларида ётгим, келиб тихирлик қиламан, онам юмшоқлик билан:

Соғинч

- Дада куёш чикди, юзқўлимни ювдим, энди ухласам бўладими? - дейман. Улар бўлса:

- Энди ухласанг елкангга шайтон миниб олади, - дердилар. Ҳаммамизга ёшимизга хос иш тақсимланган. Дадаими бошчилигида катта ака-опаларим далага отланишади.

Баъзи кунлари укам ва синглимини дадамлар ухлатар, мен синглимининг ёнидан жой олар, онамларнинг насихату эртакларидан қолишмайдиган сўзларни эшитмоқ учун бутун вужудим қулоққа айланар эди. Эртак ва дуо аввалида юлдузлар ва уларнинг жойлашуви номлари ҳақида маълумот оламиз.

"Эртаклар"нинг бирида кема тешилиб, тешик жойга одамларни қутқариб қолмоқ учун илон тешиккулчадек ўралиб жойлашиб олса, бирида "Хобил ва Қобил" тортишувлари бизни ҳайратга солади. Ақлимизни таниганимизда эса булар эртак эмас, Пайгамбарлар ҳаётларидан олинган воқеа ва ходисалар эканини англадик. Шу тариха падади бузрукворимизу волидаи мухтарамимиз бизга дунё ва динни танитган эканлар. Ишонасизми, биз ҳеч қачон уларнинг қачон уйкуга ётганликларини ва уйкудан турарётган вақтини кўрмас эдик.

Қиш кунларида эса онамиз майиз тозалар, отамиз овозини баланд қилиб, образларга кириб "Хасанхон", "Алпомиш", "Гўрўгли" каби халқ достонларини ўқиб берар, достондаги қаҳрамонларнинг мақсадлари, характер хусусиятларини тушунтирардилар. Мўжазигина кутубхонасида шу қадар хилма-хил китоблар бор эдики, бу ердан мумтоз адабиётимиз, замондош шоиру ёзувчиларнигина эмас, жаҳон адабиёти дурдоналарини ҳам топиш мумкин эди. Достоевскийнинг "Телба", Валентин Распутиннинг "Омон бўлсанг унутма", Рашид Нури Гултекиннинг "Чоликуши", Марк Твеннинг "Жанна Д'Арк" номли романлари ва бошқа кўплаб китоблар шулар жумласидан эди. Булардан ташқари қалин, кўк жилдик "Шарқ юлдузи" ойномаси доимо оиламиз хамроҳи эди. Ушбу ойнома орқали янги босмадан чиқаётган китоблар, ёш иқтидорли иждоқорлар ҳақидаги маълумотларни билиб борар эдик.

Ота-онамиз соясида ўтган дамларимизни ёдга олар эканман, оддий инсонларнинг фарзандлари бўлсакда, манаман деган зиёлиларданда зиёдрок шароит яратиб берган бул зотларга ер ўпиб таъзим қиламан. Шу билан бирга яна ўйлаиб қоламан, бизларга ақл, идрокни, меҳр-муҳаббатини, садоқатини бахш этган ул зотларга миннатдорчилигимизни қандай изҳор эта олдик?

Хозирда волидамиз ҳам, падаларимиз ҳам ҳаёт. Тўққиз фарзандни оқ ювиб, оқ тараб воёга етказган азизларим, борингизга шукр. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, сиз бор бағримиз бутун, кўксимиз осмон қадар, ақлимиз теран, қанотимиз бутун, кўзларимиз лочин кўзи каби узоқларни кўради, оёқларимиз оҳунчи каби қаққон, қўлларимиз эса қайга чўзасак етқудек. Чунки, сиз - маслаҳат ўйларимиз борсиз, доимо омон бўлинг дейман...

Курванб МИРХАЛИИ кизи, Паркент шахри.

Оппохон ойим ўғлига муносиб қиз қидриб охири Тиббиёт институтига борди. Ён-веридан ўтиб турган қизларни зимдан кузата бошлади. «Буниси ўта замонавий, шим кийгани кийган, белини очиб юриши нимаси? Бунақалардан Худо асрасин... Буниси ўта юпун, эгнидаги кўйлаги ҳам ўтиришмаган, юришлари ҳам хунук, бедаво. Хозир-ки кийинишни билмаган қиз уйимга келганида ўрганиб кетармиди. Манависи қанақайкин, истараси иссиқ, ёқимтой кўринади. "Ҳой қизим, бери келинг". Қиз индамай онахоннинг олдида келиб тўхтади.

- Сиз, қизим, шу ерда ўқийсизми?
- Ҳа, нима эди, эна?
- Исмингиз нима?
- Исми Гўлрўй.
- Қаерликсиз?
- Қашқадарёликман.

қошиқ олиб келиш эсига келмади. Алишер буни пайқаб қолди-да, хотинига гап теккизмаслик учун ўрнидан даст туриб қошиқларни олиб келди. Қошиқлар нам экан, артаман деган эди, сочик кўринмади. Буни келиннинг ўзи ҳам сезиб қолиб, шу заҳоти бориб олиб келди. Оппохон ойим насихат қилган бўлди:

- Қизим, дастурхонга ўтирганда, овқат келиш олдида сочик, қошиқ, чой, пиёла, пиноч, туз, қалампир, мурч, нон, қанд-қурс ҳаммаси олдиндан келтириб қўйилади. Эрталаб-ки нонуштага ҳам, тушлиқда ҳам шундай. Овқат тановул қилаётганда уни-буни олиб келаман, деб туравериш яхши эмас, уқдингизми, келин?
- Уқдим, ойижон.
- Қани бўлмаса ошга қаранглар. Алишер ошдан бир қошиқ олган эди, тузи жуда пастилингиз сездми. Аммо жимгина

Турмуш сабоқлари

ман, деб юрагига тугиб қўйган гапини Оппохон ойим шу топда айтиб қўя қолди:

- Жоним қизим, биров чақирганда "Ҳа, алло, эшитаман" дейилмайди. Балки "лаббай" дейилади ва тезда салом берилади. Таниш, қариндош-уруғ бўлса, қиска қилиб ҳол-аҳвол сўралади. Уқдингизми, қизим?

- Уқдим, ойижон, -жавоб қилди оппоқ ози қизариб ва гапида давом этди. - Сиз кеча қўшнингига чиқиб кетганингизда Қашқадарёдан энам... онам телефон қилди. Сизга кўп салом айтди, - деб қўшиб қўйди.

Оппохон ойим: - Раҳмат, қизим, саломат бўлишсиз! Ўзлиги тинч-омон юриш-

КЎНГИЛАР ЧАРОҒОН БЎЛАДИ...



- Қашқадарёликман денг... Майли, нечани кўрсда ўқийсиз? - Бешинчи курсда. Нечун сўрапсиз, эна? - Очиғини айтсам, сизни ёқтириб қолдим. Келин қилсаммикан, деб суриштираётгандим.

Бокира қиз уялиб, қизариб кетди.

Орадан уч ой ўтди, деганда Оппохон ойим шу қизни келин қилиб уйига тушириб олди. Қашқадарёлик қиз тошкентлик йигитга турмушга чикди. Гўлрўй эрталаб азонда турар, иш, юмуш даярли йўқ уйда нима куларини билмай ғимирсилаб артган нарсаларни қайта артиб, тозалаб кўярди. Бир кун Оппохон ойим:

- Қизим, ош қилишни биласизми? - дея сўради келинидан.
- Палов ошми, эна?
- Оппохон ойим:
- Бизда "Эна" дейиш расм бўлмаган. "Ойижон" денг, қизим, хўпми? Айланай.
- Ҳўп, ойижон.
- "Ҳўп эмас", "хўп бўлади". Ҳа, палов оши. Билмасангиз сўраг, ўргатаман.
- Оппохон ойим биров вақт ўтказиб, қани келинним, нима қилаяпти экан, деган хаёлда ошхонага келди. У-бу нарсаларни келинга ўргатган бўлди ва Гўлрўйнинг нималарнидиг билмай тимирскиланаётганига разм солиб, сал чимирилиб қўйди...
- Ош пишиди. Гўлрўй қайнонаси айтгандек қилиб уни лаганга сузиб келди. Аммо

чайнашда давом этаверди. Буни қайнона ҳам пайқаган эди. Жим еяверишди. Баъдаз овқат еб бўлингач, келин чаққонлигини кўрсатаман, деб лагани олиб кетмоқчи бўлган эди Оппохон ойим:

- Ҳой, ҳой, келин, фотиҳа ўқилмади-я, - деб уни тўхта-тиб қолди.

Келин лаганини қўйиб ўтириб, Оппохон ойим омин қилиб дуолар билан юзига фотиҳа тортиди ва шундан сўнг лагани олиб кетишга рухсат этди. - Қизим, - деб яна гап бошлади қайнона, - келинлар пилани нега тағидиқ гардишидан ушлаб чой узатишини сизга айтмай, ўрганиб олдинг. Бунинг ўзига яраша одоб, кўрим бор. Бундан ташқари пиёланинг ушлайдиган қўл туткичи йўқ. Қўл эса ҳамма вақт ҳам тоза бўлавермайди. Тоза бўлмаган бармоқлар билан одамнинг озги тегадиган пиёла лабидан тугиб бировга чой узатиш фаросатдан эмас. Шу боис пиёлани тағидан мана бундай тугиб узатиш келинларнинг кўрки бўлади. Мана, жон қизим, қўлингизга теккан атир пиёлага юқибди. Атир юққан пиёлада чой ичиб бўлмайди. Яхшиямки, бегона бўлмади. Йўқса уятга қоларди. Майли, зиёни йўқ, ўрганиб кетасиз...

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Телефон қулогини Гўлрўй кўтарди.

- Алё, ким керак? - сўради у. Беш, ўн кундан бери айта-

ган эканмилар? Ҳа, яхши. Энди шуни ҳам айтиб қўяй, ёши улуг кишиларнинг орқасидан гапирганда ҳам уларни сизлаб тилга олиш хусни одоб. "Онамла, телефон қилди" эмас "телефон қилдилар", "салом айтди" эмас, "салом айтдилар", дейишга одатланг, майлими, қизим.

- Ҳўп бўлади, ойижон, - деди Гўлрўй янада қизариб. Уғил бу Оппохон ойимнинг тўққан ўғли. Ҳар қанча танбехларга чидаб кетаверади. Аммо кечагина тушган келин бировнинг ардоқлаган қизи, деган истихोलани у хаёлига келтирмас эди. Яхшиямки, Гўлрўй тоқатли, ақл-хушли қиз эди. Ҳар қанча танбех бўладиган бўлса, кўтариб кетаверар эди. Бунинг устига, қайнонасининг гап-сўзлари, ўйлаб кўрса, жами тўғри эди.

Шаҳарга келин бўлиб тушишга розилик бердимми, энди бу ернинг ҳаёт тарзида қўниқшим, келажақда қўни-қўшни, таниш-билишларга масҳара бўлмаслигим, "уларники тўғримас", "улар ҳақ эмас", деб қайнонамнинг ҳам, рафиқимнинг ҳам юзини ерга қаратиб қўймаслигим керак, деган ҳақиқатни юрагидан англаб етди.

Эрталаб Гўлрўй очик чехра билан нонушта тайёрлар экан, турмуш ўртоғи унга разм солди-да, ичиди хурсанд бўлди. Хотиним ойижонимнинг гапларини тўғри қабул қилаяпти, деб таскин топди. Зукко кўёвлар онаси билан рафиқаси ўртасида посанги ролини ўйнамоқлари зарур бўлади. Алишер ҳам посанги ролига кириб, синов даврида завжасининг дардига малҳам бўлишни, унинг нуқсон ва камчиликларини беркитиб юришни дилдан истарди.

Орадан уч ой ўтар-ўтмас Гўлрўйнинг боши қоронғи, кўнгли чароғон бўлди. Оппохон ойсининг боши осмонга етди...

Азимжон ҚОСИМОВ

- Дардимни айтсам тушундиган, йўл курсатадиган бир одамни тополмай тахририятга келдим.

- **Нахотки, ёнингизда бирорта тушундирган яқинингиз бўлмаса?..**

- Сингилларимга айтиб, уларни ҳам хафа қилгим келмади. Танишларга кўнгил ёрсам, гап кўлайишидан чўчи-

нинг тафтини сезардим. Жуда қийналиб кетганимда шу гиламга узала тушиб ётардим-да, ҳеч кимга кўрсатмай, тўйиб-тўйиб йиғлаб олардим. Сингиллими ўқимасин, деб шу гиламни сотишга мажбур бўлдим. Сотдим-у, ўша харидорнинг ваъдасини олдим. "Вақти келиб қиммат нархда қайтариб сотиб оламан", дедим.

хафа бўлдим. **ТАШРИФЛАРИНГИЗ...** Лекин айтганимни қилмасам уйкумда ҳам, ўнгимда ҳам ҳаловат йўқ эди. Бориб ўша инсондан гиламни сотган нархидан беш баробар қимматга сотиб олдим. У одамнинг қиммат айтганига ҳам хафа бўлганим йўқ, аксинча асраб юрганига қувониб кетдим. Ўша кунни уйга қайтиб келаялман-у, қувоним ичимга сиғмасди. Гўё узоқ вақтдан бери йўқотган, кўнглим таскин излаётган кадр-

ГИЛАМНИНГ КАДРИ

дим. Аёлим эса... Шу аёлим тушунмаганидан қалбимга оғриқ кирди-да!
- **Нима воқеа бўлди ўзи?**

- Мен етимликнинг азобини торттиб ўсган инсонман. Отамни-ку, эслолмаيمان, онам ҳам б-сингда ўқиб юрганимда вафот этган. Иккита сингилли билан ҳали қўшилларнинг берган бир коса овқатига, ҳали қариндошларнинг уйда қорин тўйдириб юрганмиз. Ўша пайтларда: "Ўқишга кириб, обрўли жойларда ишламан. Сингилларимни бекам қилиб қўяман", деб аҳд қилгандим.



Мақтабни ҳам битирдим, ўша йили олий ўқув юртига ўқишга кирдим. Албатта талабаллик ҳам осон кечмади, мардикорчилик қилиб ўзимни эп-лар, стипендиями сингилларимга жўнатардим. Ўқиб ҳам битди, қариндошлар мени уйлантирмоқчи бўлишди. Менга эса кимга уйланишнинг фарқи йўқ эди.

- **Нима учун фарқи йўқ эди?**

- Етимлигим, ночорлигим учун севган қизимни менга беришмаган. Хуллас, худди ўзим каби онасиз ўсган қизга уйландим. Ишга жойлашдим. Бу орада катта синглим турмушга чиқадиган бўлди. Унинг тўйига маблағ керак эди. Яқинда уйланишим учун ҳеч вақонинг йўқ. Пулинг бўлмаса, биров қарз ҳам бермас экан.

Онам менга атаб тўқиган гилам бор эди. Мен уни ҳаётимдаги энг қадрили нарса деб билардим. Чунки унда онажонимнинг кўлларининг, меҳри-

Синглимнинг сарпо-суруғини бекам қилиб узатдим. Кундан-кунга ишларим ҳам юриша бошлади. Пойтахтдан уй олдим. Эйтиборга тушиб, лавозимим ҳам кўтарилиб борди. Машиналик бўлдим. Энди атрофимда дўстларим, қариндошлар ҳам кўп. Миннат эмас-у, ёрдам сўраб келадиларнинг сони ундан-да кўп. Аммо менинг юрагимда бир ниятим тугун бўлиб турарди. Ўша гиламни қайтиб олишим керак эди. Ниҳоят, бир кун хотинимга бу ниятимни айтдим. Вақт топиб ўша одамнинг уйига боришим зарурлигини таъкидладим. Шунда хотиним менинг бу истагимга совуққина муносабат билдириб қўйди. Ҳатто энсаси қотганини ҳам сездим. Бундан жуда қаттиқ

дониمنى топгандек эдим. Аммо уйга келгач, этаринки кайфиятимни хотиним бузди. Ҳатто гиламни ушлаб ҳам кўрмай: "Қишлоқдаги уйимизга қолдириб келмабсиз-да", - деди. Мен эса тишимни тишимга қўйдим. Эртаси кунни қишлоққа кўнғирок қилиб, гиламни неча пулга сотиб олганимни суриштирибди. Кечкурун ишдан келганимда ҳар нимани баҳона қилиб, жанжал чиқарди: "Ўша пулга бу гиламдан минг марта зўридан ўнтасини сотиб олса бўларди!" - деди. Бу гапдан кейин ўзимни тутиб турулмадим.

Ховуридан тушгунча урдим. Маня икки ойдан бери гапирмай юрибман. Биласизми, мен уни чиройи, қомати ёки одоби, кўйингки, бирор-бир фазилати учун эмас, фақатгина етим қиз бўлгани учун уйландим. "Мен каби кўнгли ўқиб ўсган, қалбимни тушунадим", дегандим. Адашган эканман... Унинг кўзини ёғ босган. Ахир мен шу гилам учун бойишга интилгандим-ку! Нахотки гап фақат пулда бўлса?.. Мен бу туйғуларни аёлимга тушунтиролмадим. Шунинг учун ҳам бу ерга келдим. Мени ашитганингиз учун ҳам раҳмат. Ёки нотўғри иш қилибманми?

- **Келинг, шу саволингизга жавобни мухлисларимиз беришим...**

"СОТКА" ҲАНГОМАСИ

Автобусда кетаялман. Ҳамма ишдан қайтаётган вақт бўлгани учунми, одам тирбанд. Ёнимда турган қиз нимагадир хоҳалаб кула бошлади, кейин: "Вой, жинимисан, Нози", - деди. Мен унинг ўз-ўзига гапирётганини кўриб, касали бор, деб уйладим. Қизга раҳим келиб, секин разм солсам, қулоғидаги "наушник" орқали гаплашаётган экан. У қиз ҳақидаги фикримга қулгим келиб турганимда, олдинроқдан бир эркакнинг баланд овозда: "Дилмурод ака, эртага мен Сурх" дараёга кетаялман! "Мамашка"ни туғилган кунни эди. Ажажон, сиздан илтимос менинг ўрнимга ишлаб туринг. Уч кунда келаман. Албатта, албатта тандир об келама, гап йўқ. Раҳмат ака, раҳмат", - деган гагини ашитдим. Демак, у ҳам "сотка"да гаплашапти. Энди бу ҳолатга бироз таъбиб хира бўла болади. Асабийлашиб, қачон манзилга етарканман, деб тур-

ганимда ёш йигитчининг телефони жининглаб қолди. У белидаги гилофни очиб учун ҳаракат қилганди, ёнидаги қарироқ амаки: "Намунча тирпичилайсан, қўлимдаги пакедда тўхум бор", деб бақирди. Йигитча: "Амаки, соткамга кўнғирок қилишяпти", деди-ю, телефони қулоғига тутиб: "Ҳа, эна! Яхшимисизлар? Отам яхшими, укачаларим яхшими, олам, почтамлар яхшими?.. Катта отам тетикими? Ҳа, менам яқинда бориб қоламан. Секинроқ гапиринг, автобусдан. Эй, бориб бир дамоб, журиб келаман. Қури дарс ҳам дурус бўмайкан. Гапирай бериңг, янгиликлардан айтиңг, қишлоқда нима гаплар? Синфдошларимни кўрмадингизми? Қизларимизнинг нечтаси эрга тийибди?.."

- Эй, бўлди, ўғлим. Жўра-пўрангни автобусдан тушгандан кейин сўрайсан. Шангиллаб гаплашишиңг қулоғимни тешиб кетди, - деб талабаниңг мароқли сўхбатини бузди ҳалиги амаки.



Атрофда қизларнинг пиқ-пиқ кулгуси эшитилди. Яна қаердадир аёл кишининг:

- Тўғрида, жонга теғди-ку бу сотка! Автобус жамоат транспорт тўрласи, қариялар бор... Кимгадир ортиқча гап-сўз ёқмайди. Музлаткичда гўшти қолмаганидан тортиб, қўшинининг товуғига ҳамма эшитиши шартми? - деган овози эшитилди.

Хуллас, бу гапа-говурлар билан бекатимда тушаётганимда бояғи жавраётган аёл ҳам автобусдан тушди-ю, "чўкур" "ух" тортиди. Кетидан тушган қиз: "Ҳола, чарчадингизми? Келинг, сумкангизни кўтараман", - деди. Шунда аёл: "Эй, ишдан чарчамадим, қуриб кетгурсоткадан чарчадим", - деди...

Матлуба ШУКУРОВА

қиёмат қилди. Жон ҳолатда тўйхонага борсам, Робия ҳақиқатдан ҳам маст бўлиб, стол устида ухлаб қолган экан. Робияни елкамга суяб, зўрга уйга олиб келдим. Юз-қўлларини муздек сувга чайиб, ухлатдим. Эртаси кунни ўзига келгач, бўлган воқеаларнинг ҳеч бирини эслолмади. Гапирсам "Сиз менинг онам эмасиз. Менга ақл ўргатишга ҳақингиз йўқ. Кўчада ўлиб қолсам ҳам ишингиз бўлмасин", деб озини терс бурди. Ахир Робияни 14 йил еру кўкка ишонмай ўстирдим. Гапи юрагимга оғир ботиб, юзига бир тарсаки тортиб юбордим. Қизим уввос солиб йиғлади. Ҳамма нарсаларини йиғиштириб, қариндошлариникига кетиб қолди.

УНГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ...



га аммалари, амакилари мендан кўра меҳрибонроқ чиқиб қолишди. Оилада бирор гап-сўз бўлди дегунча: "Робия бояқишни ўғай онаси сиздир-маяпти", деб қариндошлари тўполон қилиб, олиб кетишади. Хуллас, гоҳ аммасининг, гоҳ амакисининг эшиғида юриб қизимнинг тарбияси бузилди. Шу-шу қизим мендан ётсирайдиган бўлиб қолди.

- **Она меҳри тошдан гул ундирари, дейишади-ку. Робиянинг кўнглига қулоқ солиб, оналик қиларсангиз, турмушга чиққач, ҳаммасини тушуниб етаримди?..**

- Турмуш ўртоғим менга уйландиган Робия 5 ёшда эди. Бошида мени онасидек қабул қилди. Ўзим мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганим боис дарсига ҳам қаттиқ эътибор берардим. Олийгоҳда ўқитиш ниятим ҳам йўқ эмасди. Барча қийинчиликлар ортда қолиб, энди қизимнинг оруз-ҳавасини кўраман деганимда, Робия отасига "Ўша аёл кетсагина, уйга қайтаман", деб шарт қўйибди. Бу шартни мени ташвишга солиб қўйди.

- **Бунчалик сиздан кўнгли қолишига ўзингизнинг ҳам айбонингиз бордир?**

- Робия оилада ёлғиз қиз бўлгани учун отаси ҳам, мен ҳам ниҳоятда папалаб ўстирдим. Эсини танигач, гапга кирмайдиган қулоқсиз қиз бўлиб қолди.

Бир кун қўшинимизнинг отаси: "Қизингиз дугонасининг тўйида синфдошлари билан ароқ ичиб, маст бўлиб қолибди. Кўрган кўзга яхши эмас. Қизингизни тўйхонадан олиб келинг", дебди. "Сен қизимга яхши тарбия бера олмадинг", деб отаси уйда

- **Отаси қизини йўлдан қайтармадики?**

- Отаси "Юзимни ерга қаратадиган қизнинг менга кераги йўқ. Тўрт томони қибла. Бу уйда бошқа қорасини кўрмай", деб қизидан юз ўғирди. Робиянинг қишлоқдаги қариндошлариникига кетганига 6 ойча бўлиб қолди. Ортидан кўргани борсам, мен билан гаплашмайди.

- **Қизингизнинг ёши нечада?**

- Робия 19 га тўлди. Ҳамма қизлар қатори олийгоҳда ўқишини, бирор касбнинг бошини тутишини жуда хоҳлайман. Лекин ўқини истамайпти. Тикувчиликка қизиқишини сезиб, отасини хол-жонига қўймай, тикиш машинаси ҳам олиб бердим. Робиясиз ҳовлимиз хувиллаб қолди. Отаси ҳам қизини соғинганлигини сездирмасликка ҳаракат қилса-да, еру кўкка сиғмаяпти.

Шу борада юртдошларимиз Робияга маслаҳат берсалар, қизимиз хатоларини англаб, уйга қайтсаю, яна бахтли оилага айлансак.

Адиба УМИРОВА

Баъзан ўйлаб қоламан: оналик бахтли, аламли, хасратли, дардми? Ва ҳаётнинг катта мактабидан бунга жавоб топгандек бўламан. Оналикнинг азоби, ташвишини жуда катта оқиллик билан енга олган жонгина волидалик бахтига эришади. Зубайдаҳон, сиз аросатли ҳолатга тушиб қолибсиз чоғи. Албатта, аёл бошингиз билан рўзгор юқини кўтариш осон бўлмаган. "Болаларим учун

ўртанса кўймас" деганларидек, эртага ўша истаганига эришишнинг йўлларини қидира бошлайди. Мехнат қилиб етай деса на қаноатга, на бирор хунарга эга. Мана бир мисол. Бир оилада икки ўғил улғая бошлабди. Ота каттасини ниҳоятда суяр, онасидан яшириб, истаганини му-


"Ўзим учун яшагим келди" - 37-сон

ЭСЛАТМА: Эрим вафот этгач, уч боламли деб тинмай елиб-югураим. Бир куни юрагим санчиб, ҳушидан кетиб қолибман. Болаларим учун ўзимни фидо қилсам-да, улар бирров хабар оlishмади. Кўшнлар олиб келишашу, аммо улар ҳол сўраш ўрнига хайрамай кетишди. Уларни деб соғлигимдан кечганим нотўғрими?

Муаллиф: Д. Қўзиёва.

ЯШАМОҚДАН МАЪНИЛАР ИЗЛАНГ!

яшайман", дея онт ичган экансиз. Лекин "бировлар учун яшаш" менимча "ўзингиз учун яшаш"дан кийинроқ. Негаки ўша бировнинг қоринини тўйгазиб, устини бутлашдан кўра, унга гўзал тарбия бериб, элнинг, юртнинг қорига ярайдиган инсон қилиб, вояга етказиш минг чандон оғирроқ! Болаларингизнинг қўлини совуқ сувга урдирмабсиз. Ана шу нуқтадан бошлаб сиз фарзандларингиз билан муносабатда бир ёқламалikka юз тутгансиз. Болаларингизнинг энг яхши оромгоҳларда дам олгани уларнинг саломатлиги учун ўта муҳимдир. Лекин талашиб-тортишиб йўлланмаларни



Мана бир ота-онанинг икки хил фарзанди. Қиссадан хисса шуки, бола тарбияси ниҳоятда нозик ва илм талаб масаладир. Шу ўринда она зотининг яна бир бурчи борки, бу ўзини асрашдир. Волидаси соғлом кишининг кўнгли тўқ бўлади. Онаси саломат, ҳаёт инсоннинг бағри бутун. Буни унутмаслигимиз керак. Бир куни узокроқ танишим билан учрашиб қолдим. Яқинда онаси дунёдан ўтган экан. Ҳамдардлик билдирдим.

- Онажоним ақлли аёл эдилар. Бизни ҳам, ўзларини ҳам авайлардилар. Зиёратларга бориб, энг яхши санаторияларда дам олган кунларини эслаб бугун анча хотиржам бўламан. Худого шукр, яшаган эканлар-ку. Ҳаёти фақат биз учун югур-югурларда ўтмабди-ку, дейман. Агар шу қувончлар бўлмай, меҳнатларингизни кўрганимда, бугунги йўқотишларим жуда ҳам аламлай бўлармиди? Демак, онанинг чиройли, фаровон яшамоқлиги ҳам фарзанда бир давлат экан.

...Сиз ўғил-қизларингиз тарбиясига анча кечикканга ўхшайсиз. Лекин ҳечдан кўра кеч, деганларидек, касалхонадан чиққангиздан сўнг турмуш тарзингизни обдон ўзгартиришингиз керак назаримда. Рўзгор тутишингизнинг оғир-енглиги албатта болаларингизни ҳам шерик қилинг. Улар сизга елкадош бўлишсин. Фақат сизнинг қийналганингизни кўришмасин, керак бўлганда қийналишсин ҳам. Сиз онасиз. Олий унвонингиз шу! Ҳаётдан ўзингизга хос маънилари изланг ва топишингизга ишонаман. Чунки сиз ён атрофингизга теран нигоҳ ташлай бошлабсиз. Бу сергақлини ҳам аслида бир мукофот.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ЎША МУАЛЛИМАГА УЯТ!

Шоли курмаксиз бўлмаганидек баъзан шундай муаллималар ҳам учраб туради. Бу воқеани ўқиб раҳматли онажонининг бошидан ўтганлари ёдимга тушди. Волидаи азизам шундай сўзлаб берганди:

- Мактабда аълочи, ташкилотчи ўқувчи эдим. Мактабни тамомлагач, тиббиёт техникумига ҳужжат топширдим, аммо имтиҳонларга кийиб боргудек на оёғимда туфлим, на охорли кўйлагим бор. Мактабда ўқитган Фарида она исмли татар ўқитувчим бор эди. Шу она уйига олиб кирди-да, ўша пайтларда урф бўлган гирбдишин матодан тикилган янги кўйлагини ва туфлисини менга берди. Мен имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим. Ҳамшира бўлиб ишлаб юрган чоғларимда ҳам ўқитувчи онани йўқлаб турдим.

Орадан йиллар ўтди, она оламдан ўтди. Тақдир тақазоси билан онанинг кизи бизнинг маҳалладан уй сотиб олди. Кўздек кўшнимиз. Борди-келдимиз яхши, она-сингилдек иноқимиз. Орадан неча йил ўтди, неча байрам, неча хил матолар урф бўлди.

Замон тўкин бўлиб кетди. Қанча кўйлак кийиб эскиртирдим. Аммо ўша муаллимадан қилган совға ҳеч ёдимдан кетмайди. Дарё аёл эди у. Кўзларингиз қараб юрагингизни ўқиб оларди.

Устози ҳақида шундай ифтихор билан сўзлаб берганди, онажоним. Муаллималар, устозлар психолог бўлишлари керак. Ўқувчи юрагига йўл топа олсалар, нур юстига аъло нур бўларди. Таҳсинга лойиқ, фидойи, меҳрибон устозларимиз ҳақида қанча ёзсак, шунча оз. 7-синфда ўқибётган чоғларим менга дафтар, ручка етмасди. Чунки ҳаммасига шеър, ҳикоя ёзиб ташлардим. Мактабимизда Юсупов домла деган қаттиққўл ва талабчан устозимиз директор ўринбосари эди. Ўша домланнинг олдида ҳеч ким гапиролмас, "сир" босиб жим туришарди. Домланнинг салобати босарди, шекилли. Аммо мен олдига кириб, менга ручка, дафтар кераклигини айтганимда домла кулимоираб: "Шоира қизимга албатта берамиз-да", - дея икки-учта

"Тилло ҳалқани деб..." - 36-сон

ЭСЛАТМА: Қўзимнинг қулоғидаги зирағи кўринмай қолади. Кейин маълум бўлишча, бола ширинликлар олаш учун тилла зирағини арзон гаровга муаллимга сотибади. Муаллим эса мени кўриб лавабраб қолади. Муаллиф: Ойбуви Очиллова.



МАКТАБ

дафтар, ручка берар, газетада мақолаларим босилган бўлса, олдига чақириб олиб мендан яна нималар ҳақида ёзмоқчилигимни сўраб-суриштирарди. Лекин соҳанинг ўз фидойилари ҳам, томоғи тешиқ тазмагирлари ҳам бўладди. Нима бўлганда ҳам муаллималик шарафли касб. Унга доғ туширмаслик керак. Нафс бандаси бўлиш оқибати яхшиликка олиб бормайди.

Битта тилла ҳалқани деб, ҳам ўқувчи, ҳам она олдида бурди тўкилган муаллимга эса уят! Ор-номусини йўғштириб, очкўзларга хос иш тўтибди. Ҳали ҳам бўлса тилло ҳалқани эгасига қайтариб, пулини олса яхши бўларди. Она ҳам қизига нафс бандаси бўлмаслиқни, онадан сўроқсиз иш қилмаслик кераклигини аңлатиб, тўғри тарбия берса бўларди.

Машхура ИСОКОВА,
Тошкент вилояти,
Олмалик шаҳри,
Бўстон маҳалласи.

БАРАКА ОНАНИНГ ҚўЛИДАН ЁҒИЛАДИ...

Ушбу мақолани ўқиганимда бир курсдошимнинг онаси ёдимга тушди. Курсдошим Ҳузурбой Туртқул туманидан эди. Отаси вафот этган бўлиб, муштипаргина онаси уни вояга етказганди. Ҳузурбой аъло ўқирди, энг юқори стипендиани оларди. Лекин ҳеч ким унга ҳасад қилмас, иложи борича қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиларди. У кечаси ва дам

олиш кунларида вокзалга бориб кўмир, цемент тушириб пул толарди. Стипендия пулларини эса шаҳарга қатнаб таксичилик қилайдиган маҳалладошидан онасига бериб юборарди. Ҳузурбой то ўқишимиз биттуна онаси олиб берган кийимларда юрди. Ҳузурбой бир нарса олиб кийишга кўзи қиймасди. Онаси эса тежаб-тергаб ўғлининг тўйига анчагина пул йиғиб қўйибди. Ҳузурбойни кўп қизлар ёқтир-

са-да, у ҳеч кимга қарамабди. Дарсга ҳаммадан кеч келиб, ҳаммадан олдин чиқиб кетарди. Бунга сабаб унинг иши кўплиги эди. Ҳушини битирганимизга ўн йил ўтиб курсдошим учрашганимизда у бола-чақали эди. Кимдир ҳазиллашиб: "Жўра, энди маошингни ўзинг ишлатаяпсанми ёки ҳалиям онанга бераёпсанми?" - деб сўради. Ҳузурбой эса жил-

"Онадан аялган пул" - 27-сон

ЭСЛАТМА: Тўланбой онасидан аялган пулни белига боғлаб, осма кўприкдан ўтаётганида сувга қулади. Хайриятки, одамлар уни қутқариб, онаси ётган касалхонага олиб боришди. Дўхтирлар унинг белига боғланган пулни санаб, гувоҳликка қарши хонадаги аёлни-онасини чақиртишди. Она ўғлини кўриб ҳушидан кетаёзди. Тўланбойнинг онасидан аялган пули азасига яради. Муаллиф: Комилжон Нишонов.

майиб: «Ахир нега онамга бермас эканман? Худого шукр, онамнинг табаррук қўлига берган пулларимга барака қиради. Онамнинг дуолари, пулларимга унинг қўллари орқали юқайди», - деб жавоб берди.

Чиндан ҳам онани рози қилиб топилган пуллардан ҳам яхшиси бор эканми? Онанинг яхши-ёмон кунлидан аялган, огрини енгил қилмаган пуллар эса ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Тўланбойнинг очкўзлиги бунга мисол бўла олади.

Азизлар, дунёда онанинг огринишдан ортиқ қарғиш йўқ. Она боласини ҳеч қачон астойдил қарғамайди-ю, лекин кўнглининг бир чети сал ранжиса бас. Уша кимсага ёмонлик ёғилверари. Онасини эъозлаганларнинг эса ҳар томонлама омади келиб, ишлари юришиб кетиши рост.

Авезжон БЕКМУРАТОВА,
Тошкент шаҳри.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Хурматли Солиқ ЗУПАРОВ! Тугилган кунингиз билан чин қабимиздан муборакбода этамиз. Сизга соғалк-саооматлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саоомат тилаймиз. Умрингиз узок, ҳаётингиз сермазмун бўлсин.

Жиянимиз ҲАСАНБЕК! 2 ёшинг билан табриклаймиз. Умринг узун, бахтли саооматли ўнгинг бўлиб улгайгин! Оила аъзоларинг номидан дооанг Абдулалли, амманг Муҳаббат.



Онажонимиз Жамила НАВРЎЗОВА! Таваллауд айёмингиз билан чин қабимиздан табриклаймиз. Сизга қиш қорларидек оппоқ ва баҳор гулларидек нафис ҳаёт тилаймиз. Илоё, умрингиз узок бўлсин.

Хурматли Файзулла ЭШБОЕВ! Сизни 50 ёшингиз билан табриклаймиз. Оллоҳ умрингизни зиёда қилсин. Фарзандаларингиз бахтига соғ-саоомат бўлинг. Шогирдаларингизга илм бериш йўлида чарчаманг.

Қизимиз ДИЛДОРАХОН ва куёвимиз ШЕРМАТЖОН! Сизларни тугилган кунингиз ва ниҳоҳ тўйингизнинг беш йиллиги билан табриклаймиз! Умрингиз узок ва фаровон бўлсин! Даоангиз Қурбонбой ва онангиз Ҳалимахон. Қашқадарё вилояти, Касби тумани.

“ТУФЛИМНИ БЕРИНГ”

Самандарга отасининг бевақт ўлими қаттиқ таъсир қилди. Шифокорлар керакли (химия терапия) муолажаларни қилишга, роппа-роса яна бир йил яшайдилар, дейишганди. Самандар онасини кўмганига ҳали йил тўлмаи, отасидан ҳам ажралиб қолди. Энди ўзидан кичик икки укаси ва синглисини жойлаш унинг зиммасига тушганди. Улимидан бир неча кун аввал отаси Самандарни ёнига ўтказиб, васият қилганди. Бир катта рўмолга тугулган бугчани курсатиб, ичидига пулларни маросимларга ва расамади билан укаларининг тўйларига ишлатишини, кийимларини эса ювгучига бериши лозимлигини тайинлаганди.

даги оёқ кийимини кўриб, укасининг оёқ кийимсиз, эски қалишда юраганини ўйлади-ю, туфлини олиб қолди. Эртаси кун Самандар отасини тушида кўриб, чўчиб уйғонди. Отаси оёқ яланг югуриб юрар, оёқлари тилиниб, қонаб кетса-да, парво қилмас, фақат қўлларини чўзиб: - Туфлим, қани менинг туфлимни беринглар, қани менинг туфлим? - дея ҳайқирарди. Самандар жон ҳолатда, терлаб-пишиб уйғонди-ю, тура солиб укасига берган туфлини кийиб кетмасидан аввал олиб қўйди ва ювгучига олиб бориб берди. Шундан сўнг отаси яна тушига кириб, у билан кулибгина миннатдор бўлиб хайрлашди.



Манзура САФАРОВА, Зангиота тумани

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларини ишлатишга бўлган эҳтиёжларининг бир мунча ортиб бориши билан бирга ёнгин хавфи ҳам кескин кўпайиб кетади. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги фармойишига асосан Республикада 10 ноябрдан 10 декабргача “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда. Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлиги тадбирларини кўчатириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келадиган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнгин хавфсизлиги қондаларини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлашимизки, ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиб Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандаларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги”да фаол қатнашадиган юртдошларимизга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

А.И.ИСЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.

- КҮЙ (21.03 — 20.04).- Сусткашлик, ўзибўларчилик сизга ярашмайди. Чунки яқинларингиз сизни дадил, сергайрат инсон сифатида билишадди.
- СИГИР (21.04 — 21.05). - Ишонангизда дилжиралиқлар бўлмаслиги учун ҳар бир ишни диққат-этибор билан бажаришингиз талаб этилади.
- ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). -Молиявий аҳолинингизнинг анчагина ўнглини кутилмоқда. Албатта, бу кўп жиҳатдан ҳаракатчанлигингизга боғлиқ.
- КИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Лотаредан каттагина ютүк эгаси бўлиш эҳтимолингиз бор. Фарзандларингизнинг соғлиги билан боғлиқ муаммолар сизни бироз безовта қилади.

- АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Уйламай гапириб қўйиш одатингиз шу ҳафтада панд бериши мумкин. Жиддийроқ бўлишга ҳаракат қилинг.
- БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Сизни кейинги вақтларда тарқ этмай қўйган омадсизликлар ортда қолди. Энди режаларни амалга ошириш учун олға интилинг.
- ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Яқинларингиздан бири сизни алдашга уриниб кўради. Эҳтиёт бўлмасангиз, каттагина молиявий зарар кўриб қоласиз.
- ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Мухим ва жиддий ишларни сал кейинга суриб, бу ҳафта дам олишингиз керак. Йўқса, тез орада соғлигингиз панд бериб қўяди.

Қандли диабет, бўқок, гижжа, лямблия, вителиго, оқ доғлар, псориаз, соч тўкилиши, болалардаги буй муаммоси. Натижали даволаш. Табиий гиёҳлар. Тел: 317-81-15. Раъно ШОКИРОВНА МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Халқаро ташкилот ишга таклиф қилади. (25-50 ёшгача) Тел. 79-18-67 Мавлуда ШАРИПОВНА (18.00 дан сўнг)

“HAZRAT-INDUSTRY” хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар бир ой муддатда қабул қилинади. Тел: 135-39-17

КОМИЛОВА НОДИРА АЗИМОВНА Тошкентдаги У.Носир номли матбаа техникумидан 2000 йилда берилган 268789 - рақамли диплом йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЖАЗОМИКИН ЁКИ ТАҚДИР?!

Ақтам ақанин оиласи етишмовчилик сабаб анча қийналиб қолди. У туни билан Оллоҳга илтижо қилиб, агар бирор иш топилиб қолса, ҳеч қачон ўша ишга хиёнат қилмай меҳнат қилишини, ёлвориб чиқди. Тонг отгач, уни ички бир сезги ўзидан уч-тўрт уй нарида турадиган мудирининг уйи томон бошлади. Ферма мудирни уни яхши кутиб олди. У иш сўраб келганини айтгач, мудир унга шундай деди: - Ақтамбой, менга қоровулликка бир ҳалол одам керак эди. Сенга ишонманам. Ҳозир йиғим-терим кетаяпти. Майли, тўқилган сомонларни ола қол, лекин пресларга тегма. Ҳар ҳолда кўпнинг ризиқи-да! Кўпнинг молига кўз олайтириш ёмон. Мен сенга айтган гапларини амал қил-да, бугундан ишни бошлайвер.

хотинлар, кекса момолар чиқмасдан у қизлар билан тўлибди. Бир-биридан гўзал, бир-биридан ўтаман, дейди. Қараб кўзингиз қамашади. Лекин буш ўрин йўқ ҳисоби. Хайриятки, айримлари ўрнидан туриб, қарияларга жой беришди. Автобус силжигач, ҳазил-хузул, кулгу, қизик-қизик аския ва сўз ўйинлари авж олиб кетди-ю, аммо чиройли оҳангда "эр-ёр" айтиш ҳеч кимнинг эсига келмасди. Шундан кий-чув овозларини эриб, мен аста "эр-ёр"ни бошладим:

Тоғда тойчоқ кишнайдим, От бўлдим деб, эр-ёр. Уйда келин йиғлайди, Ёт бўлдим деб, эр-ёр.

Қат-қатгина қатлама Қатланади, эр-ёр. Қизни олиб янгалари Отланади, эр-ёр...

Бир-иккита аёллар бунга қўшилган бўлишди. Аммо шу пайт: "Шўхидан бўлсин! Шўхридан чалинг!" - деб қизлар сурнайчи ва доирачини ўз ҳолига қўйишмади. Шўх, замонавий, юракларни ларзага соладиган куй янграб кетди. Ўн чоғлик қизлар автобус ўртасида қийқириб ўйинга тушиб кетишди. Автобус қалқиб-қалқиб борар, ҳар қалқиганда қийқирик авжига олар, тўс-тўпалон ичида қизлар ҳаҳо-ҳаҳо кулганча сакраб-сакраб ўйнашарди. Назаримда, улар ҳозир қаерда эканликларини, аτροφиди кимлар борлигини унутиб, "бир яйраб олай" дегандек беҳаё қилиқлари ўринсиз кулгубилан рақсга тушишар, "Чалинг, шўхидан олинг!" деб бақиршарди. Тўғри, тўй хурсандчилиқ, ўйин-кулгу билан файзли, аммо бу қизларнинг ҳозир-

ни тортқилаб, итариб рақс майдонига ўтиб кетишди. Рақс, қўшиқлар бир-бирига уланиб, ярим тунгача давом этди. Ярим ресторанлардан бирига етиб бордик. Бутун фикри ҳаёлимиз боғлиқ қизлар билан боғланиб, анчагина чарчабмиз. Улар ўзларини ҳаддан зиёд эркин туттилар, бироз тортиниш, ибодли ҳаракатлар, назокат, балоғатга етган қизларга ҳос бўлган нафислик йўқ эди уларда. Дастурхон аτροφиди ўзини туттиларини айтмай қўяқолай. Жамоат жойларида овқатланаёт-

гани кузатар эканман: "Оч юзингни бир кўрай, жоним укам-ей...", деб бошланадиган қадимий, катта устозлар қўйлаган қўшиқ ёдимга тушиб, ўша пайтдаги йигитларга ачиниб кетдим. Ҳозир бундай илтижоларга ҳожаат йўқ. Азиз газетхон, мен барча қизлар ҳам шунақа энгил, беҳаё, уялишмайди, деган фикрдан йироқман. Одоби, ширин муома-

ласи, ўзини майин тутиши, дид билан кийиниши орқали маҳалларда, ишхоналарда, ўқув жойларида элга манзур бўлаётган қизларимиз оз эмас. Лекин гуруч курмасиз бўлмас экан-да! Ёзувчилар уюшмасида бўлган бир йиғинда севимли шоиримиз Эркин Воҳидов: "Одам 50 ёшда ҳам, 60 ёшда ҳам қаримаслиги мумкин, қачонки, ёшларга гаши келиб, улар қилган ишни ёқтирмай қолганда, демак, у қарибди", - деган эди. Ҳозир шоирнинг шу сўзларини эслаб, эҳтимол биз қариб қолгандирмиз, деган хаёлга ҳам бордим.

Шу ўринда яна бир фикрни айтмай. Кўп қизлар "эр-ёр"ларнинг сўзларини билишмайди, бахру-байлар, қиз тилидан севги-муҳаббат мисралари билан шёрлар айтишни ҳам. Булар ахир минг йиллардан бери халқ орасида кенг тарқалган миллий қадриятларимиздан-ку! Лекин вилотлардаги хотин-қизлар бундан мустасно, чунки улар байту гўзал, "эр-ёр"ларни маромига етказиб айтишларининг кўп марта гувоҳи бўлганман.


Хулоса ўрнида шуни айтишни истайманки, қизлар ҳаётимизнинг беғубор гули, бетакор бегази. Улар билан фахрланамиз, улар хонадонимиз файзи, турмушимиз кўрки, улар-яхши кунларнинг тўю тантаналарининг сабабчиси. Ота-онанинг гурури, бахти. Шундай экан, улар шу хислатларга мос ҳос одоб ва андиша билан қадим ташлашларини, ўсиб-улғайишларини, қадамларида гуллар очилишини истаймиш. Гулларнинг хуш бўйларидан элулус бахра олиб яшайлик.



ғанда ҳадеб дастурхонга қўл чўзавериш ҳам одобсизлик эканини унутмас эканми бўларди. Кетма-кет ичимликларини очиб, бир-бирига узатавериш ҳам хунақ кўринаркан. Умуман давраларда овқатланиш маданияти бизда кўнгидагидек эмаслигини тан олайлик. Кулоқларни қоматга келтирувчи мусиқа, қўшиқлар бошланди. Шу заҳоти улар бир-бири-

ларини кузатар эканман: "Оч юзингни бир кўрай, жоним укам-ей...", деб бошланадиган қадимий, катта устозлар қўйлаган қўшиқ ёдимга тушиб, ўша пайтдаги йигитларга ачиниб кетдим. Ҳозир бундай илтижоларга ҳожаат йўқ.

Азиз газетхон, мен барча қизлар ҳам шунақа энгил, беҳаё, уялишмайди, деган фикрдан йироқман. Одоби, ширин муома-



Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

Уч-тўрт кўшни кечки пайт "дом" тагидаги скамейкада у ёқ-ёқдан гаплашиб ўтирардик. Гапдан гап чиқиб, Ғайбулла ота:

- Турди карвон кўринмай қолди-а, - деди.
- Э, хабарингиз йўқми, қўшнимнинг тоби қочиб, бироз мазаси йўқ экан, - деди Носир ака ачинади.

гайган, кўзлари киртайган, бармоқлари биллинар-биллимас титтарди. Бир пайтлар норғул, баланд бўйли, елкадор, бутун жуссасидан қувват ёғилиб турган Турди карвон (карвон лақаби унга отасидан қолган дейишди) бугун шу ҳолатда беҳол ётарди. Кўнглим гаш тортиганини билдирмай:

ЎРТАНГАН КЎНГИЛ

- Қаранг-а, бир жойда туриб эшитмасиз ҳам, - хайрон бўлиб сўзга қўшилди Орифжон.
- Нимасини айтасиз, ичкилик ахир одамни йиқитади, ёш у ёққа қараб сурилгани сари уни кўтаришини ўзини бўлмайди, соғлиққа зиён бўлишини биламиз-у, аммо нафс балоси ёмон-да! - намозхон, дуоғуй Ғайбулла ота афсусланиб, бошини сарак-сарак қиларди.
- Юрак "шиг" этиб кетди. Бир ҳафтача олдин ўғли етаклаб кетаётганини узоқдан кўрувдим, кўзи хиралашиб қолибди, дейишувди. Бугун кеч бўлиб қолди. Эртага кириб чиқаман, деб кўнглимга тугиб қўйдим. Даврада ўтирганларнинг ҳаммаси ҳаёлга толгандек жим бўлиб қолишди.
- Эртасига ишдан чиқиб, тўғри бозорга бордим. Чиройли, ёғлиқ патир, бўрсилдоқ сомса, узум, кичкинтой набираларига ширинликлар олиб, Турди аканинг уйига бордим. Чиндан ҳам у ўрин-кўрпа қилиб ётибди. Кенчойимиз очик чехра билан куттиб олди.
- Ичкарига кираверинг, мен ҳозир, - деди-да, ошхонага кириб кетди.
- Тузукмисиз ака, нима бўлди? - стулга ўтирарканман термулдим унга. Чиндан ҳам ранги синикчан, сийрақлашиб қолган сочининг тағлари сар-

- Дорилар етарлими, нима керак бўлса айтинг, ака, - дедим.
- Дорилар етарли, - деди у ёстқика суяниб.
- Шу пайт хонага кеннойи узум, патир, сомсаларни олиб кириб, дастурхонга қўйди.
- Овора бўлибсиз, Рихсивой, - деди кеннойи, сўнг бир пиёла чойни менга, бир пиёла чойни унга узатди. Турди карвон чойни олмади:
- Йиғиштир чой-пойингни! - деди кўрслик билан. - Манавилардан олинг, еб кўринг, - дедим узумни яқинроқ суриб.
- Бе, - деди карвон афтини буриштириб, мен узум ермидим? Шунча пулни сарфлаганингни қара! Эссизгина, ҳа шуни ўрнига юз граммлик стаканлигидан олиб келмайсанми, ука, бир маза қилмасмидик!?
- Мен аввалига ҳазиллашаппти, деб унга кулимсираб қарасам, у жиддий ҳолда пешонасини тириштириб гапирарди.
- Ие, воя, гапингизни қаранг, - дедим ҳафсалам пир бўлиб. Назаримда олтиндек товланиб турган хосайни буришиб, мунгайиб қолгандек, хонани тутиб кетган патирнинг хуш бўйи ачиб қолгандек эди.
- Фирр этиб чиқиб кел, илтимос, йўқ дема. Ҳадемай дўкон ёпилади, - дерди Турди карвон...

Эрталаб сут олгани дўконга чиқиб кетаётсам, олдимдан қария қўшинимиз чиқиб қолди. Набирасини боғчага қўйиб келаётган экан. Кўришиб, хол-аҳвол сўрашдик. Тез юргандан бўлса керак, пешонасини тер босиб, ҳарсилларди. У юмушлари кўплигидан доим шошиб юради. Омонатгина тахта ўриндиққа ўтирдик. У набирасининг шўхлигини, ҳозир уйга кириб, ўйинчоқлару бошқа ивирсиқ идиш-товоқларни тартибга келтиришини, кир ювишини сўзларди. Мен кулоқ солиб туриб, унинг

текисласан бўлдим. У рўзгор ташвишларидан гапираяпти. Мен эса эшитмай, ўз кўринишини уники билан солиштираяпман. Бироз уринган бўлса ҳам чиннидек қилиб артилган туфлисига қарайман, меники эса тумшугидан тешилган шиппагимдан бармоғим кўриниб турарди. Уйлайман: "Нега мен шундай юролмайман, қаерим қан ундан? Нега ўзимга қарамай кўчага чиқдим, нима учун? Уятим, фаросатим йўқми?" Кўшним қариб қолган, мендан ёши катта бўлса ҳам, ҳозирги кўринишида

МЕНИ МУЛЗАМ ҚИЛГАН КАМПИР

ташқи кўринишига разм солдим: Сочларини силлиқ тараб, қарияларга ҳос камтарона турмақлаб, кичкинагина дуррани шундай ихчам ўрабдики, худди капалак тилло ранг қанотини ёзиб тургандек. Унинг ораста йиғилган сочига қараб бирдан бошладим чиққанимдан уялиб кетдим. Сочим таралмаган, паҳмоқ кигиздай чигал тушиб, юз-кўзим, бўйнимда ёйилиб ётарди. Сочимга қарамай, сут идишини кўтарганча чиқиб кетаверибман. У мендан камида ўн ёшга катта бўлса керак. Кўриниш аҳволимни уники билан таққослай бошладим. Қошларига ўсма қўйган, киприқлари остига сурма тортган, лабларига билинар-биллимас оч рангли лаб бўёғи суртган, ўзига шундай ярашиб турибдики, қараб ҳавасим келди-ю, ўз аҳволимдан ижирганиб кетдим. Қарасам, оппоқ кофтасининг ўйиб гул солинган ёқасини жемпаери устига чиқариб қўйган, узун ва кенг тикилган қўйлагу оёқларини ўраб турарди. Кўйлагимнинг ёқаси ёғижим, қарасам, этаги бир неча жойидан сўкилган узун-

мендан анча ёш кўринар эди. Одамга алам қилади-да. Бор-йўғи боғчага бориб келаяпти, холос. Агар меҳмонга борса қандай ораста, гўзал бўлиб кетаркан. Менда кийми йўқми? Уники каби туфлигим йўқми? Қуриб кетсин, шафимни тартибга солиб, ағдар-тўнтар бўлиб ётган кирларни бир чеккадан талласам, қанча кийим, туфлилар чиқади... Кўшним нималарнидир гапираяпти, аммо қўлоғимга қирмайди, ўз хаёлларим билан бандман. Қариб қолдим, деб оёғини узатиб ўтиравермай ўзига қараш, дид билан кийинишига бўлган ҳафсаласи, ғайрати, аёллик назокати—бир сўз билан айтганда ўзини кўтирчюкдек ихчам, ораста тутишига махлиб бўлиб қолдим. Мен-чи? Нега шу аёл каби юролмайман? Кўринишимдан уялиб кетдим. Сут идишини бағримга босганча уйга қайтдим. Бу қари кампир менинг борлигимни ағдар-тўнтар қилиб юборганди...
Муҳаббат ТУРОБОВА,
шоира.

Кўзнинг салқин кунларидан бирида онажоним шифохонага тушиб қолдилар. Бир гал кўришга борганимда онам: "Шу ерда бир фаррош жувон ишларкан. Жудаям яхши, очик-кўнгил. Бўш қолди дегунча олдимга чиқади. Гурунглашиб ўтирамыз, зериктирмайди. Гап орасида қизларимнинг бири ўқитувчи десам: "Ўша қизингиз келса, мен билан учраштираман", деганди. Ҳозир айтиб келаман", - деб чиқиб кетдилар-да, 35 ёшлар чамасидаги бугдой ранг, истараликка бир жувон билан кириб келдилар. Аёл мен билан худди қадрдонлардек кучоқлашиб кўришди. "Опа-

дим. Кўмак сўрашга бирорта яқиним, жигарим йўқ. Ҳўжайинимнинг топгани кўчада қоларди. Роса қийналмас-да, энамдан қолган ҳовли-жойни сотишни хаёлимизга келтирмасдик. Чунки урта ўғил вояга етса, ҳовли-жой керак бўлиши билардик. Кичкиналарим ёшига етганда, эрим уйга онда-сонда келадиган одат чиқарди. Баъзан уйда бўлган кезлари уришишга баҳона қидирарди. Тишимни-тишимга қўйиб чидардим. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Маҳаллада ҳўжайиним ҳақида гап-сўзлар чиқа бошлади. Нимамиш, шаҳарда ўзидан 15 ёш катта бефарзанд аёлга уйланибди. Бу хабар умр бўйи ҳамма торт-

қилиб ҳовли-жойсиз қолдик. Майли, ўзларининг таниқ-жонлари соғ бўлса, болаларига ватан қилиб беради-да, деб кўндим. Биз у кишини бездирмасак-да умуман уйга келмай қўйди. Дом-дараксиз, на ўлиги бор, на тириги. Кўчама-кўча эримнинг орқасидан қувиб юришни ўзим учун ор деб билдим. Эшик тик этса, йўлини пойлаб кун ўтказардим. Гуштан ташқари қозонимга тушадиган нарсани ҳовлига экиб етиштирдим. Шу орада катта ўғлим мактабнинг биринчи синфига ўқишга борди. Ўғлимни етаклаб мактабга борсам, 45 ёшлардаги ўрта бўйли аёл биз-

Турмуш
Чорраҳаларида

зимас бўлса ҳам яхши кунларда қидирарсиз. Опангиз Дилоромхон".
Хат қўлимда туриб юмюм йўғладим Ҳасан-

Хусанларим тинимсиз: "Дадам келарканларми? Қачон келарканлар?" - дея саволларга қўмиб ташлашди. Биламан, Дилором опа ўртоқлари орасида ўқимасин деб боламга: "Отанг бериб юборибди", деб топширган экан. Болаларимнинг отасидан бундай "совға"-лар тез-тез кела бошлади. Рўзгоримда нима кам бўлса ўша нарсга келарди. Опа эгизакларимни боғчага жойлаштириб берди. "Уйда сикилиб ўтирманг", деб мени шу шифохонага ишга жойлаб қўйди. "Ҳаётда агар опам бўлганларида ҳам шунчалар мурувват курсатардилар", деб қиёматлик опангил тутиндик. Ўзи оиласидан, ишларидан ортиниб сўраб-суриштириб, ҳўжайинимни топибди. Беш йил деганда ҳўжайинни етаклаб опа ўзи уйга олиб келди. Ўғилларимни суяганларини айтмайсизми. Оталарини узоқ юртларда ишлаб қайтгандай қутиб олдлар. Ҳўжайиним ҳам қилган ишларидан пушаймон эканлигини тан олди. Ўзим етим ўсганлигим учун болаларимни ҳам ота меҳрига зор бўлиб ўсишларини ҳеч қачон истаманман. Қачондир яхши инсонлар орқали инсофга кириб қайтиб келишини, гўдақларим учун қаерда бўлмасин жонини омон сақлашини оллоҳдан илтижо қилиб сўраганман. "От айлаиб қозигини топади", дейишади-ку. Шукр. Ҳаётим жуда яхши. Туғилгандан зияда опам, жияларим бор. Дилором опамнинг ёрдами билан ҳўжайиним мактабда боғбон бўлиб ишлашди. Биздан қайтмаса, Оллоҳдан қайтсин. Ўзининг фарзандларининг ризки-насибасини менинг гўдақларимга бўлишига едирди. Оиламни сақлаб қолди. Болаларим отасиз, йўқчиликда ўсишиб, ёмон кўчага кириб кетишса, холим нима кечарди. Ўғилларим Дилором опамни жону дилидан яхши кўришарди. Ҳовлидаги меванинг олдини "ҳолхазонимизга", деб олиб қўйишарди. Баъзан уйлаб қоламан. "Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ" деганлари шумкан?! Оллоҳ мени яхши инсонларга рўбарў қилди. Дилором опамнинг давлати ошиб-тошиб кетганидан эмас, балки саховатли қалб соҳиби бўлгани учун ҳам шундай қилди. Оиламиз билан биз ҳам кимгадир кўмак беришимиз кераклигини ҳис қиламиз.


Кўз ёш билан бошланган ҳисов севинч, шукрона билан ниҳоясига етди. Оддийгина муаллима аёл шашнига айтилган гапларга ҳавасим келди. Шифохонадан чиқар эканман, Дилором опадек меҳр-мурувватли, олийжаноб инсон билан касбдош эканлигимдан фахрланиб кетдим.

ЎКТАМХОН СОЛИЕВА,
Фаргона вилояти,
Ёзёвон тумани,
22-мактаб ўқитувчиси.

Турувват

жон, ўқитувчилигингизни эшитиб, сизни кўргим, гаплашгим келди. Ўқитувчиларга ихлосим баланд", - деди. Аёлнинг гаплари менга ёқиб, унга меҳр билан разм солдим. Рўмолининг четидан чиқиб турган оқ соч толарини кўриб, ёш бўлсада, ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотиб кўрганлигини сездим. Аёл қулиб туриб гапирарди, лекин кўзидоги мунг гам-ташвиш юкю юрагини биров толқитирганидан далолат беради. Исми Ноила экан. "Опажон, биров вақтингизни олсам-да, сизга ҳаётимда туб бурилиш ясаган бир олийжаноб муаллима ҳақида гапириб бераман", - деди.

Ҳар гал ўша воқеалар эсимга тушса, ўзимни сира тутиб туролмайман, - аёл кўз ёшларини рўмолининг учи билан яширишга ҳаракат қиларди. - Пешонамининг шўрлигини қаранг. Энамнинг қўлида тарбия кўрдим. Ота-она меҳри нима эканлигини билмай ўтдим. Тақдирни қарангки, ота-онаси ажрашиб кетиб ўзимга ўхшаб опоқилари қўлида вояга етган қўшни қишлоқлик Исмоилжон исмли йигитга мени турмушга бердилар. Ўғимнинг оғзи ошга тегса, боши тошга тегди", деганлари тўғри экан. Эрим билан икки йилда учта ўлик кўйдим. Мен ҳам, эрим ҳам бизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган ақинларимиздан айрилдик. Бунинг орасида биринчи болам туғилди. Амал-тақал рўзгор тебратардик. Аёл киши йўғлаб-йўғлаб хумордан чиқади. Эракк киши-чи? Эрим аламини, дардини арокдан оладиган одат чиқарди. Худодан эримнинг инсофга келишини тилардим. Оллоҳнинг мурувватини қарангки, иккинчи фарзандим эгизак - Ҳасан-Хусан туғилди. Эримнинг қувончи чексиз эди. Аввал гамдан ичадиган одам, энди қувончдан ичадиган бўлди. Рўзгорда камчилик, эгизакларни боқишининг ўзи бўладими. Ёлғиз қўл жуда қийнал-



ган аъзоларимдан ҳам оғирроқ бўлди. Ҳўжайиним ўзига нисбатан айтилган гап-сўзларни тан олмас-да, унинг хатти-ҳаракати буни исботлаб турарди. Беш ёшли Уткиржоним "дадажон", деб юғриб борса: "Жуда чарчаганман, борсаларинг-чи. Бу уйда тинчроқ ўтиришининг иложи борми?" - деб пўнса қиларди. Ҳасан-Хусанимга қараб ҳам қўймасди. Шу орада энамдан қолган ҳовлига қаердандир эски бир таниши оиласи билан кўчиб келди. Ҳўжайиним менга "Ҳовли қаровсиз бўлиб кетаяпти, ораси узоқ, доим ҳам хабар ололмаймиз. Уйга қараб, вақтинча ўтириб туришарди", - деди. Қаранг, менга билдирмай ҳовлини сотибди. Хужжатларини икки кишининг гувоҳлигида кейинроқ расмийлаштириб беришини айтибди. Шундай

ни кутиб олди. Бир кўришдаёқ аёлнинг муомаласи, хатти-ҳаракати менга ёқди. Ўзини "Дилоромхон", деб таништирди. Фарзандларимизга 4 йил давомда таълим-тарбия беришини айтди. Кейинги сафар ота-оналар мажлисига чакирди. Болалар учун қўйиб-ёниб гапирди. Ота-она, ўқитувчи ҳамжиҳат бўлсагина қўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини айтди. Ота-оналарнинг гап-сўзларидан билдимки, Дилором опанинг обрўйи маҳаллада жуда баланд экан. Йўғилшдан сўнг опа мени олиб қолдилар. "Синглим Ноилахон, шароитингизни билдим. Ўқувчим Уткиржоннинг ҳамма болалар қатори ўқимай билим олишини истайман. Шунинг учун икковимиз шундай қилайлик, унга отасининг кетиб қолганини сездирмайлик. Синглим, мен сизларга қўлимдан келганча ёрдам бераман", - деди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас ўғлим мактабдан қичқириб, қувониб уйга кириб келди. "Ойижон, дадам келарканлар. Мана қаранг, ишлаб бизга нима-

лар юборганларини", - дея каттақон сумкани аранг кўтариб келиб қўлимга тутқазди. Сумкада Уткиржонимнинг кичкиналаримга қишлоқ жемпер бор эди. Биз ўзимни йўқотиб қўйдим. Ўғлим "устозимиз хат бериб юбордилар", деб қўлимга бундангача оқ қорозни тутқаздию, ўзи кўчадаги ўртоқларига кийимларини кўз-кўз қилиш учун югургилаб чиқиб кетди. Қўлимдаги хатда қуйидаги сатрлар ёзилган эди.
"Синглим Ноилахон! Аҳволингиз яхшими? Рўзгорда қийналиб қолмадингизми? Катта ўғлим Баҳромжон университетни битириб келиб ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Қуни кеча биринчи маошини олди. Оиламиз билан қувониб ойлигининг олдини сизнинг фарзандларингизга илдиндик. Синглим, уст-бошларни ар-

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

СИНОВ
Бир нарсани кўп кузатдим. Она овқатга ўтирган замон чакалоқ йўғлайверарди. Кексалар, бунақа пайта болани шайтон чимчилайди, дейдилар. Билмадим... Худонинг ўзи кечирсин-ку, менимча гап шайтонда эмас. Бу - тангрининг она меҳрини синаш усулларидан бири бўлса ажабмас...

Кўнгил
Одам ҳамма нарсга тўйиши мумкин. Бойликка... Амалга... Шон-шухратга... Худонинг ўзи кечирсин-ку, ҳатто... ҳаётга ҳам... Қариб чуриганида "омонатингизни ола қол, яратган эгам", дейдиганлар чин дилдан гапирарди...

Одам ҳамма нарсга тўйиши мумкин. Фақат бир нарсга - Меҳрга тўймайди. Бу масалада шоху гадо баробар.

Ҳолбуки, дунёда бундан арзон нарса йўқ. Бир оғиз ширин Сўз, бир чимдим Меҳр кимни ўлдирибди! Биз эса шуни ҳам бир-биримиздан аяймиз...

ИЛК МУҲАББАТ
Илк муҳаббат баҳор осмонидоги булутга ўхшайди. Олпоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз. На ортиндан юғриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз...

ШАМ ЁНМАСА...
Эракк билан аёл муносабатида айбни нукул эракқдан излаш инсофдан эмас. Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди...

АҚЛ ВА МАНСАБ
Ақл билан мансабга эришиш мумкин. Мансаб билан ақлга эришиб бўлмайди.

ҚИРҚ ЖОН
Хотин кишининг жони қирқта бўлади, десалар ажабланманг. Негаки у битта жонни ўзига олиб қолиб, ўттиз тўққизтасини фарзандларига беради...

ТИРИК МУРДА
У хў-ў-ўп ўқимишли, хў-ў-ўп билимдон, хў-ў-ўп олим одам. Фақат битта "жузый" камчилиги бор: чин дилдан қулолмайди, чин дилдан йўғлолмайди...

ЕТИМХОНА ДАРВОЗАСИДАГИ ЁЗУВ
"Ҳой, она! Сен бу остонага Меҳр деган ниҳолни ташлаб кетаялсан. Ундан Қаҳр деган дарахт ўсиб чиқши эсингда бўлсин!"

НЕЪМАТ
Аёллар! Йўғлаб кўнглингизни бўшатишдек неъматни ато этта-

ни учун яратганга шукроналар қилинг!

БУЗИЛГАН НИКОҲ
Уйни қонуний бўлашдингиз... Мол-мулкни қонуний бўлашдингиз...
Муҳаббат бўлақланди...
Садоқат бўлақланди...
Бола-чи? Болани қайси қонун билан бўлашасан? Онаси билан бўлса, отасиз қолса. Отаси билан бўлса, онасиз қолса... Яхшиши, унияма иккига бўлинг! Бир нимтаси-хотинга! Иккинчи нимтаси-эрга!
Қани кўтаринг болани, боланинг уволи туттурлар!

КИЗИЛИШТОН
Бола эдим... Қуз эди... Сўрида дарс қилиб ётибман. Амман бир бурчақда мудраб ўтирибди... Осмонда мезонлар учади. Кондек қизарган тоқ барглари охишта чайқалади. Урик ҳазонлари унсиз пир-пираб тўқилади. Бог

томондан яқнаш бир садо келади: "тук-тук-тук, тук-тук-тук".
Фашга тегди. Ҳаёлингизни қочиради... Охири бўлмади, аммандан сўрадим:
- Нима у, амма?
- Амман чўчиб қўзини очди.
- Нимани сўрайсан, болам?
- Анави тўқиллаётганим-да, нима ўзи?
- Амма бир зум қулоқ солиб турди. Кейин носини тупуриб, жилмайди.
- Қизилиштон-ку!
- Нега ҳадеб тўқиллатади?
- Жонга тегди-ку?
- Унақа дема, болам, - деди амман хўрсиниб. - Худо уни шунга яратган, дарахтнинг қуртини еб тозалайди... - Узоқ жим қолди-да, қўшиб қўйди. - Қанайди, оллоҳ одамзоднинг кўнглидаги қуртларни тозалайдиган шундоқ жонивор яратса. Ҳамма жаннатга тушармиди...
Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Халқ ёзувчиси.



КАЛАНХОЭ БИЛАН...

Учинчи гуруҳ ногирони бўлганим учун йиллаб доридармон истеъмол қилдим. Қолаверса, касалликларни табиий усулда даволашни ўрганиб олдим. Айниқса каланхоэ билан кўп касалларни даволаш мумкин экан. Масалан, жигилдон қайнаганда кичикроқ битта барги еб юборилса 3-5 дақиқадан сўнг дарров тўхтатади. Каланхоэ шарбатига тенг миқдорда сув қўшиб томоқ чайилса, томоқ оғригини (ангина) тез тазатади. Унинг шарбатини тайёрлаб қўйиб музлаткичда сақланш ҳам мумкин. Каланхоэ-

нинг куйидаги усулда тайёрланган шарбатидан мунтазам ичиб юрилса касал бўлишнинг олдини олади. Каланхоэнинг этли барглари билан бир нечасини бир ҳафта музлаткичда сақлаётган. Сўнг шарбатини сиқиб олиб тиндиргач, устига 1:4 миқдорда ароқ қуюман-да, оғзи маҳкам ёпиладиган банкага солиб яна музлаткичга қуюман. Бу шифобахш шарбат юздаги тошмалар ва доғларни кетказади.

М. МУҲАМЕДОВА,
Оҳангарон шаҳри.

ЧОЙ ВА УЗУМ ВИНОСИ...

Ёзда дала ҳовлимизда ишлаган пайтларимда кўзимга доим нимадир тушиб, сув билан ювганим ҳам қизариб, кўзимни очолмай қолардим. Бир куни сабзавотларни сугорётганимда шамол кутарилди-да, кўзимга чанг аралаш нимадир тушди. Бир қўлим билан кўзимни ушлаб сувга кетаётганимни кўрган кекса кўшнимиз мени уйга олиб кирди. Кўзимни қандайдир суяқлик билан ювганим бир зумда чараклаб очилди-қўйди.



Кейин билсам, у бир стакан илик чойга бир чой қошиқ узум виносидан аралаштириб кўзимни ювган экан. Энг асосийси кўзимнинг одатдагидек қизариб, ачишиши ҳам йўқолди. Шунингдек, бу аралашма бошланаётган конъюктивитнинг ҳам олдини олар экан.

Далада, ёки уйда юмуш қилаётганда кўзга ҳар нарса тушиши мумкин, шунда ушбу муолажани қўлласангиз муаммодан қутуласиз.

М. ДАВРОНОВА,
Тошкент вилояти,
Тошкент тумани

ЛАРИНГИТГА ҚАРШИ...

Йиллар давомида ларингит ҳасталигидан қийналардим. Бир куни халқона табобат билан шуғулланадиган дугонаим ўсимлик ёғи билан даволаниш муолажасини ўргатди. Бунинг учун ўсимлик ёғини 5-6 кун оғизга солиб сўрилса кифоя қилар экан. Ларингит бошланаётганини сезсангиз бир

қошиқ ўсимлик ёғини оғзингизга солиб 15-20 минут сўригиз. Лекин эинҳор ютиб юборманг. Сўнг туфлаб ташлайсиз. Бу усулни ўзим ҳам бир неча марта синая кўриб, фойдасига ишонч ҳосил қилгач, тахририятга ёзиб юборишга қарор қилдим.

М. ҲАМИДОВА,
Сирдарё вилояти.

ИЧ КЕТГАНДА... (ДИСБАКТЕРИОЗ)

Ўғлимнинг тез-тез ичи кетарди. Турли дорилар кор қилмагач, болалигимизда онам бизни даволаган муолажани қўллаб кўрдим. Шу усул фойда бериб ўғлим бутунлай соғайиб кетди. Бу усул жуда оддий. Ҳар куни 100 граммдан ёнғоқ еб, кечкурун эса уйда тайёрланган қатиқ ичилади. Қатиқни тайёрлаш усули



қуйидагича: Бир литр сутни қайнатиб бир ош қошиқдан қаймоқ ва шакар солинади. Қатиқ ивиغانдан сўнг музлаткичга қўйилади. Мен ўғлимни ана шундай усул билан даволаганимдан сўнг бошқаларга ҳам шу муолажа билан даволанишни маслаҳат берадиган бўлдим.

В. ОЛИМЖОНОВА,
Самарқанд шаҳри.

ҚАНД УПАСИ СЕПИБ...

Бувимни кўргани борганимда кўшнисининг ити қўлимни тишлаб олди. Ярани ювиб, дарҳол малҳам боғладик. У ҳадеганда битавермади. Шундан сўнг бувим икки дона қандни кукундек туйиб яранинг ус-

тига селди. Эрталаб ечиб кўрсак, унинг усти анча қотибди. Кейин яна бир неча марта шу муолажани қайтардик. Яра тезда тузалди.

У. МАХСУМОВА,
Тошкент шаҳри

МЎҶИЗАКОР ПАРАФИН

Ёшим ўтган сайин оёқ ва қўлларим оғрийдиган бўлиб қолди. Шифокорлар менга "Артрит" дея ташҳис қўйишди. Турмуш ўртганим мени уйда даволай бошлади. Биз шифокорлар тайинлаган муолажадан парафинли ваннани танладик.

Авал қалин клеёнкадан (целлофандан эмас) қайноқ парафин куйиш учун қўлимга қўлқоп, оёғимга эса этик шаклида мосламалар "ванначалар" тикди. Унга 50 градус иссиқликдаги парафинни қуйиб, оғриётган оёқ ёки қўлни тиқиб сўнг чети боғладим. Устидан иссиқ жун рўмон билан ўралади.

Бу муолажа оғрийдиган ва шамоллаган бўғинларни самарали даволайди. Ҳар гал бўғинларим оғрий бошлаганда шу муолажани бажараман. Уч-тўрт марта ванна қилганимдан сўнг оғриқ дарҳол босилади.

С. УМАРОВ,
Чирчиқ шаҳри.

ТУЗ БИЛАН ДАВОЛАДИМ

Бир куни йўлда кетаётиб қаттиқ йиқилдим. Кўкрак қафасимда оғриқ бошлангани учун аранг юриб келаётиб, қўшни кампирни учратиб қолдим. Унга воқеани айтганим, мана



бу усул билан даволаниб кўришни маслаҳат берди. Бир литр илик сувга 100 грамм туз қўшиб букланган докага шимдирилади ва жароҳатланган жойга қўйилади. Ушбу муолажа бир неча марта бажарилгандан сўнг жароҳатланган жойдаги оғриқ бутунлай тўхтади.

О. ВОҲИДОВА,
Сурхондарё вилояти.


САБЗИ МОЙИ ФЙДАЛИ

Қайнонам қанд касали билан оғричанлиги учун танасидаги кичкина яралар ҳам жуда қийинчилик билан тузалади. Мен уни онамдан ўрганган табиий усулни билан даволайман, яраси ҳам бир ҳафтада тузалиб кетади. Бунинг учун сабзини майда киргичдан чиқариб, кичикроқ кастролькага соламан-да, устидан тўлғунча ўсимлик ёғи қуюман. Уни бугда 15 дақиқа қайнатиб, сўнг икки қават донадан ўтказиб сузиб оламан. Сабзидан тайёрланган мойни ҳам бир чой қошиқдан уч маҳал ичиб, ҳам жароҳатга сурилса, яраларни тез битиради.

Ф. ЎРИНБОЕВА,
Фаргона вилояти,
Марғилон шаҳри.

ПИЁЗЛИ АРАЛАШМА

Набирамнинг қорни оғриб, кечаси билан безовта бўлавергач шифокорга олиб бордим. Улар текшириб кўриб, гижжаси



борлигини айтишди. Бир неча дори-дармонлар ёзиб беришди.

Лекин набирам йиғлаб уларнинг бирортасини ҳам ича олмади. Охири эшитган бир усул бўйича ўзим дори тайёрладим. Бир дона пиёзни тозалаб, станга солдим-да, устига қайноқ сув қуйиб беш соат дамлаб қўйдим. Кейин бир чой қошиқ асал қўшиб оқ қоринга ичирдим. Бир ҳафта давомида набирамга ҳар куни эрталаб ана шундай пиёзли дамлама тайёрлаб ичирдим. Бир неча кундан сўнг унинг қорнидаги оғриқ босилиб кечкурун яхши ухлайдиган бўлди. Гижжалари ҳам бутунлай йўқолди.

М. РУСТАМБЕКОВА,
Чиноз тумани.

ШИФОБАХШ КАРАМ

Қиш кунларининг бирида набирам ва қизим билан қўшнимизнинг ҳаммомига тушдик. Қайтишда дўконда бир соатдан ортиқроқ қолиб кетдик. Ваҳоланки, ҳали сочларимиз ҳўл, танамиз ҳам яхши қуримага ҳўлди. Икки-уч кундан сўнг набирамнинг белига, қўлтигининг остига, қизим ва ўзимнинг бўйин ва белларимизга каттакатта яралар чикди. Улар шундай оғрир эдик, тунлари ухлай олмадик. Спирт билан артдик, ўтлар билан компресс қилдик, бири пишса, иккинчиси чикарди. Келиб кўрган ҳамшира шаҳарга бориб жароҳга учрашишимиз кераклигини айтди. Аммо онамнинг кекса ҳамкасби яраларни ҳеч қандай жарроҳсиз фақат карам билан даволаш мумкинлигини айтиб, муолажа усулини тўшунтирди. Яхшиямки ертўла-мизда янги ва тузланган карамларимиз бор эди. У айтган

усул куйидагича: Аввал яралар тузланган карам сувига тенг миқдорда сув қўшиб тайёрланган аралашмага ботирилган пахта билан артилади. Сўнг янги карам баргининг устидан тешик очиб ҳар бир ярага боғладик. Ҳар икки-уч соатда барглари алмаштириб турдик. Шу билан бирга тез-тез тузланган ва киргичдан чиқарилган янги карам сувидан ҳам ичдик. Карам барги қўйилган яралар ёрилиб йиринглари оқиб чикди. Уларга ёпиштирилган карам барглари эса қуриб, қовжираб қолди. Шундан сўнг ҳар йили қишга кўп карам гахлаб қўядиган бўлдик. Газетхонлар орасида кимлардир шундай яралардан қийналаётган бўлса, ушбу муолажани қўллашларини тавсия этардим.

М. САЙДУМАРОВА,
Каттакўрғон шаҳри.


СИЗ БИЛГАН САРИМСОҚПІЁЗ

Илгари саримсоқпиезни ҳиди ёқмаганилиги учун умуман емасдим. Бир куни қўлимга саримсоқпиезнинг қандай касалларга даволиги ёзилган бир китоб тушди. У жуда кўп дардларга даво бўлар экан. Мен ўзимни қийнаётган дардларим деярли барчасини саримсоқпиез билан даволайман. Муолажа учун саримсоқпиезнинг кузги ҳосили яхши. Шифобахш ёғ тайёрлаш учун бир бosh саримсоқпиез олинади. Майда киргичдан чиқариб, сариёғ билан 1:1 миқдорда аралаштирилади. Тананинг бирор жойида шиш пайдо бўлса, саримсоқпиез ёғини докага шимдириб шиш устига босилади-да, беморни ўринга ётқизиб усти ўраб қўйилади. 1,5-2 соатдан сўнг дока олинади. Ёғ сурилганда қизарган жой артиб олинган, яна иссиқ қилиб ўраб қўйилади. Бир кундан сўнг қизариши ҳам, шиш ҳам йўқолади. Ёдингизда бўлсин, ҳарорат қутарилган пайтда бундай компрессдан фойдаланиш мумкин эмас.

● Уйқусизликдан қийналсангиз мана бундай аралашма сизга фойда беради. 70 грамм саримсоқпиезни бўтқа ҳолига келгунча эзиб беш дона лимоннинг шарбатини қўшинг. Банкага солиб устини икки қават қилиб буқланган дока билан ўраб қўйинг. Икки кундан сўнг бу аралашмадан бир пиёла чойга бир қошиқ қўшиб, уйқудан олдин ичасиз. ● Агар қишда ҳаддан ташқари совқотиб уйга келсангиз, бир бўлак саримсоқпиезни кафтларингизда 15 дақиқа эзфиланг-да, қўлингизни ювмасдан ўринга ётиб, ухланг. Шунда шамоллашнинг олдини олган бўласиз. ● Агар ўзингизга хуснбузарлар тошишдан қийналсангиз ўша жойга дарҳол саримсоқпиез бўлагини суригиз. Ёки саримсоқпиезни эзиб шарбатига пахта ботириб сурсангиз ҳам бўлади.

Л. ЭЛТОЕВА,
Наманган вилояти,
Чуст тумани.

МАФТУНКОРЛИК СИРЛАРИ



Эркакларнинг териси алоҳида эътибор ва парваришни талаб этади. Боиси у аёлларнинг юз терисидан 25 фоизга қалинроқ ва ёғлироқ бўлиб, тери безлари сони ҳам анча кўп, тешикчалари ҳам йирикроқ, ияк, ёноқлар ва лаб устида 30 минг донадан ортиқ мўйлар ўсади. Маълум бўлишича, аёллар эркакларнинг нафақат гавдаси, чеҳраси, шунингдек юз терисининг ҳолатига ҳам эътибор қилишаркан.

Авалло, ҳар бир эркак юз терисининг турини аниқлаб олиши керак. Бунинг учун албатта косметолог ёки тери шифокори қабулида бўлиш шарт эмас. Юз илик сувда ювилгандан кейин терингиз тортишиб қолганини ёки шўралаганини

ҳис қилсангиз, билингки, терингиз куруқ экан. Бундай тери кишиларга хона ҳароратидаги сувда ювиниш, совунни эса ҳафтасига бир мартадан ортиқ ишлатмаслик тавсия этилади.

Агар ювингиздан сўнг терингиз ялтираб, пардоз қилинганга ўхшаб турса, бу ёғли терининг яққол аломатларидир. Бу ҳолатда юқоридагининг аксини бажаришингиз зарур бўлади, яъни ҳар куну совунлаб ювиниш керак. Эрталаб илимик, кечкурун эса олдин илик, орқасидан совуқ сувда юз-қўлингизни

ювасиз. Мабодо, илик сувда ювингиздан сўнг на терининг тортишиб қолиши ёки шўралаши, на пардоз-андоз қилгандек ялтираб туриши кузатилмаса, демак терингиз соғлом ва меъёрида экан. Сизга эрталаб фақат сувда, кечкурун эса

совунлаб ювиниш тавсия қилинади.

Дарвоқе, терининг ҳолатидан қатъий назар сутга чайиниб туриш ниҳоятда фойдали. Бунинг учун тоза пахтани сутга ботириб, юзингизни артиб чиқасиз.

Одатда эркаклар юз терисини парваришлагга вақт сарфлашмайди. Ваҳоланки, атиги 15 дақиқа ичида юз терисини меъёрига келтириш мумкин.

Тери куруқ бўлса. Битта апельсиннинг пўстини олиб, устига қайноқ сув куйинг. Идишининг устини ёпиб, совигунча дамлаб куйинг. Сўнг сузиб олиб, юзни чайиш учун ишлатиш мумкин. Бу жуда яхши озиклантирувчи восита ҳисобланади.

Ёғли тери учун.

* Янги узилган бодринг олиб, икки паллага бўлиб юз терингизни ишқаланг.

* Чойнак ёки пиёла тағида қолган чойда тоза пахтани намлаб, юзингизни артинг.

* Карам япроғини олиб, майдалаб тўгранг. Устига тухум оқини қўшиб, аралаштиринг ва тозаланган юзга суртиб, 10 дақиқадан сўнг илик сувда ювиб ташланг.

УЗОҚ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ...

Тадқиқотлар натижасида мутахассислар эркаклар умрини қисқартирадиган тўртта асосий хавфни аниқлашди ва умрни узайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишди.

Биринчи хавф: Сурункали яллиғланиш. Эркаклар 97 фоиз ҳолатда яллиғланиш касалликларни ўтказиб юборишади. Оқибатда жуда эрта артрит, инсулт, инфаркт, Алцгеймер касаллиги каби дардларга чалинадилар.

Шу боис ҳатто тумов каби бир қарашда оддий ва хавфсиз туюлган касалликларга ҳам бепул қараш керак. Уз вақтида ва яхшилаб даволанг. Агар сизда шамоллашга мойиллик кучли бўлса, таомномангиздаги гўштни ёғли балиқ билан алмаштиринг. Овқат ва салатлар тайёрлашда иложи борича кўпроқ зайтун ёғидан фойдаланинг. Йилга бир марта - баҳор фаслида таркибида мис ва рух бўлган витаминли-минералли қўшимчалар истеъмол қилишни ҳам унутманг.

Иккинчи хавф: Ёғ кислоталари меъёрининг бузилиши. Камҳаракатлилик, тайёр, ярим тайёр ва консервалланган маҳсулотларни кўп истеъмол қилиш оқибатда

тида келиб чиқади. Ёғ кислоталари меъёрининг бузилиши аритмия, тез чарчаб қолиш, терининг қуруқлашуви ва сўлгинлиги, бўғимлар оғриши каби дардаларни келтириб чиқаради.

Ёғ кислоталари меъёрини яхшилаш учун кўпроқ жисмоний ҳаракат қилиш, яъни кунига уч маҳал ярим соат ўртача қадам ташлаб пиёда юриш(бунда бир кунда қаманда 5-7 километр йўл босган бўласиз), тайёр, ярим тайёр ва консервалланган маҳсулотлардан воз кечиш керак.

Эркаклар аёллардан ўртача 10 йил, айрим давлатларда эса 15-20 йил камроқ яшашмоқда. "Бунга қим айбдор?" деган саволга эса мутахассислар "эркакларнинг ўзлари", деб жавоб беришмоқда.

Учинчи хавф: Қонда қанд миқдорининг ошиб кетиши. Эркаклар аслида ширинликни кам ейишади, аммо спиртли ичимликларни кўп, баъзи ҳолларда эса меъёридан ортиқ қандада истеъмол қилишади. Бунинг оқибатида айнан қондаги қанд миқдори меъёрини сақлаб туриш учун хизмат қиладиган ошқозон ости бези ишдан чиқади.

Қанд миқдорининг ошиб кетиши тери тўқималарининг мўртлашуви, терининг эрта қаришига, қон то-

мирлари деворларининг қотиб қолишига, кўриш қобилиятининг сустайишига, микро ва макро инсультага олиб келиши аниқ.

Шу боис икки йўлдан бирини танлаш керак: ёки камроқ ичиш, имкони бўлса спиртли ичимликдан буткул воз кечиш, ёхуд оқ нон ва ширинликлар емаслик. Бундан ташқари йилга бир марта—куз фаслида таркибида рух, хром ва жука (липа) кислотаси бўлган витаминли-минералли қўшимчалар истеъмол қилиб туринг.

Тўртинчи хавф: Оксидланиш жараёнларининг издан чиқиши. Аслида организмизда оксидланиш мунтазам давом этиб туради. Аммо сўнгги йилларда экологининг бузилиши оқибатида бу жараён анчайин тезлашганини кузатиш мумкин. Бунинг оқибатида қон айланиши бузилади, қон томirlарига зарар етади, хатто онкологик касалликлар пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Оксидланиш жараёнининг бузилиши билан боғлиқ муаммолардан қуйидаги маҳсулотлар халос этади: қизил олма, помидор, ширасиз қизил вино, денгиз балиқлари ва бошқа турдаги денгиз маҳсулотлари.



Эркаклар ўқисин

Хар кимда жинсий майл турлича ва ўзига хос бўлади. Аммо айрим эркакларда йиллар ўтиши билан жинсий майл бирдан кучайиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Шифокорларнинг таъкидлашларича, бу ҳам касалликнинг бир тури экан.

МЕЪЁР ОШИБ КЕТСА

Ҳар бир эркакнинг ўз жинсий алоқа меъёри бор. Масалан, кимдир ҳар куну ёки ҳафтада 2-3 марта алоқада бўлиши мумкин, ай-


римларнинг эса ҳафтада бир мартага зўрға кучи етади. Майлнинг бирдан ва кескин ошиб кетишининг бир неча сабаблари бўлиши мумкин. Хусусан, маълум бир дорилар (ай-

маганда жинсий қобилиятингиз одатдагидан кучайиб кетса, хурсанд бўлишга шошилманг-да, юқоридаги нақлни ёдга олинг. Гарчи бу ҳол сизга бирор бир ноҳушлик келтирмаётган бўлса-да, соғлигингиз издан чиқа бошлаганидан далолатдир. Чунки жинсий майлнинг кучайиб ёхуд пасайиб кетиши организмдаги салбий ўзгаришлардан дарак беради.

Жинсий майлдаги ўзгаришларга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

ЖИТОВЛАНМАГАН

ҲИССИЁТ



- эпилепсия;
- бош миёдаги шишлар, жароҳатлар ва инфекциялар;
- бош чаноғи ичида қон босимининг юқори бўлиши;
- ички секреция безларидаги шишлар;
- буйрак усти безларининг оғриши;
- Алцгеймер касаллиги.

ДАВОЛАНИШ КЕРАК

Жинсий майл кучайиши билан боғлиқ касалликни ўз билганича даволашга уриниш ярамайди. На совуқ душ қабул қилиш, на

тайлик, виагра, женшен, пантикрин ва бошқалар)ни мунтазам истеъмол қилиш, узок вақт жинсий ҳаётдан тийилиш, тез-тез "ўша нарса" ҳақидаги журналларни, фильмларни томоша қилиб туриш. Аммо мана шу сабаблардан бирортаси кузатилмагани ҳолда жинсий майл кескин ошиб кетса, шифокорлар буни касаллик, деб баҳолашади.

КУВОНИШГА ШОШИЛМАНГ!

Халқда "бепул пишлоқ фақатгина қолқонда бўлади!" деган нақл бор. Мабодо, қутил-

тинчлантирувчи дорилар ёрдам бера олади. Шифокорлар касалликни келтириб чиқарган сабабга қараб ҳар бир беморга алоҳида муолажа тайинлашади. Хатто бир соҳа шифокори билан ишингиз битмаслиги, невропатолог, эндокринолог, уролог, онколог зарур бўлиши мумкин. Қолаверса, хламидиоз, гарднереллез, токсоплазмоз каби юқумли венерик касалликлардан текширувдан ўтишни ҳам унутманг.

ЭРКАКЛАР БУНИ БИЛИШАРМИКАН?!

- Аёллар эркакнинг овоз тембрига алоҳида эътибор қаратишади. Баланд ва ингичка овоз соҳиблари уларда жинсий ожиз, эркаклик қобилияти суст киши сифатида таассурот қолдиришади. Шу боис овози "эркакларнигина ўхшамаган" йиғитлар логопед қабулига қатнаб, тембрни ўзгартириш муолажаларини олишлари керак.

- Таркиби генетик ўзгартирилган озик-овқат маҳсулотлари эркакларда импотенцияни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланаркан. Ундан кейинги ўринда эса руҳий зўриқиб туради.

- Озгин, бироз букчайган кўзойнакли эркак аёлларнинг эътиборини тортмайди. Баланд бўйли, кенг яғринли эркаклар эса гарчи кўзойнак таққан бўлса-да, аёлларни ром этиши аниқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эркаклар қоматларини расо қилишни унутмасликлари керак.

- **Аёлларга муносабатига қараб эркакларни учта тилга ажратиш мумкин экан:**

1) Дон-Кихот тип. Бундай эркаклар аёлларни идеаллаштиришга мойил бўлишади. Улар аёл ҳақида фақат ёқимли нарсаларни гапирришади, макташади.

2) Рицар тип. Бу тилга мансуб эркаклар садоқатли, самимий, содда аёлларга уйланиши керак. Акс ҳолда...

3) Дон Жуан тип. Бундай эркаклар аёллардан ўз майлларини қондириш мақсадидагина фойдаланишади ҳамда бу билан мактаби юришни ёқтиришади.

ДАРМОН тайёрлади.

Фарзандларининг уй-жойли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши ҳам катта бахт экан. Мен фарзандларимдан нолимайман. Худода шукр, ҳаммаси ўқиб, олий маълум...



гит киши бахтини топиб кетар, лекин... Қизим ҳам ўқиш, иш деб анча вақтини ўтказди. Совчилар кўп бўлди, баъзилари бизга маъқул бўлмади. Бизга ёққани эса кизимизга ёқмади. Ўзи

ФАРЗАНДЛАРИМГА БАХТ ИЗЛАЙМАН...

мотли бўлишди. Жамиятда ўз ўринлари бор. Лекин мен уларнинг оилада ҳам ўз ўринлари бўлишини жуда истардим. Ўғлим Сарвар уйланиб, уч фарзандли бўлганида хотини билан келиша олмай қолди. Уч фарзанди ҳам уларнинг ҳаёт ришталарини боғлай олмади. Ажрალიшга мажбур бўлди. Ўғлим хусусий корхонамизда ишлайди. **Ёши 35 да.** Жуда келишган, жиддий, ишбилармон йигит. Аммо умри ўтапти. Қани эди бир қомила қиз бўлса-ю, уни ўйлантириб қўйса. Йи-

ақлли, мустақил, уй-рўзгор ишларини ўрнига қўяди. Мана, ёши ҳам **30 га етди.** Энди онаси иккимиз уни ҳам ўйлаймиз. Кўзимиз тириклигида ўз бахтини топиб, оила қурса хотиржам бўлардик. Аслида ўзига тўқ, ҳеч нарсадан камийўқ оилаларданмиз. Аммо шу иккисининг ўз жуфтини топиши бизни қувонтирган бўларди. Ўғил-қизининг бахтли бўлишини истаганлар бўлса кудандаччилик ришталарини боғлаган бўлардик.

Салим ота, Тошкент шаҳри.

Ёшим 32 да. Турмушга чиқмаганман. Тошкентликман. Ҳозир ота-онам билан бирга яшайман. 35-40 ёшларда бўлган (қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ) ўқимишли, касбли, уйим-жойим дейдиган, оилани моддий таъминлай оладиган бир эркак билан танишмоқчи эдим.

Анджонликман. **Ёшим 41 да.** Хотиним билан муросамиз келишмасдан ажрашганмиз. Қўлимда анча унарларим бор. Энди ўз ҳаётимни қайтадан бошлаш ниятидаман. Уй-жойли, (бир боласи бўлса ҳам майли) оқила, озода, бахтли бўлишни истайдиган, 30-45 ёшлардаги бир аёл бўлса уйланмоқчиман.

Манзилим тахририятда. Феруза

Манзилим тахририятда. Маҳмуджон

57 ёшдаман. (ёшим ўтган бўлса ҳам ҳалиям кўринишим кўркам). Аёлим вафот этган. Фарзандларимнинг ҳаммаси уй-жойли бўлиб кетишган. Ҳозир Чирчиқ шаҳридаги икки хонали уйда яшайман. Ичмай-диган, чекмай-диган, ёмон одатлардан холи, диёнатли эркакман. 45-50 ёшлардаги саришта, меҳрибон, дилқаш, ҳаётимдаги ҳар қандай кунларда ҳам бирга бўла оладиган садокатли бир аёл билан ўз тақдирини боғламоқчи эдим.

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида яшаймиз. Гулнора исмли ажойиб, оқкўнги хамкасбимиз бор. У билан кўндан буён бирга ишлаймиз. Гулнора опамнинг қон гуруҳи эриники билан тўғри келмаганлиги боис фарзанд кўриша олмади. **Ёши 36 да.** Имон-этикодли, касбли, уй-жойли, оиласини эъозлайдиган 38-40 ёшлардаги, Қарши шаҳрида яшайдиган инсон билан ҳаётини боғламоқчи.

Манзилим тахририятда. Дилмурод

Манзили тахририятда. Холниса.

Ёшим 38 да. Тошкент шаҳрида тутилганман. 21 йилдан буён боччада тарбиячи бўлиб ишлайман. Ўзим саришталикни, шинамликни ёқтираман. 40-45 ёшлардаги ақлли, оиласининг, аёл кишининг ва олийсанин қадрига етадиган инсон билан танишмоқчиман.

Қашқадарё вилоятиданмиз. Онамиз вафот этган уйда оила бошлиги бўлиб қолдим. Мени **35 ёшли** синглимнинг тахдир ўйлантиради. Унинг қўли гул чевар. Келган совчилар кўп эди. Вақтида ҳаммасини рад этиб шу хунарига берилиб кетди. Ўз тенгини топиб бахтли оила қуришини жуда истаймиз. 35-40 ёшлардаги, қашқадарёлик, ақлли, касбли бир йигит бўлса тўйини ўтказган бўлардик.

Манзилим тахририятда. Зилола

Манзил тахририятда. Қодиржон

Ёшим 65 да. Тошкентликман. Фарзандларимдан қутулганман. Уч хонали уйда ёлғиз яшайман. Моддий томондан камчилигим йўқ. 50-60 ёшга ча бўлган (намозхон бўлса ҳам майли) бир аёл бўлса тақдирини боғлардим.

БАСИРА тайёрлади
Газетамиз саҳифаларидаги мазкур раамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар» лойиҳаси бўйича тайёрланди.

Манзилим тахририятда. Хасан Хожи ота.

О, муҳаббат... МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

(Боши ўтган сонларда) Билишимча, Муяссарни ҳам сўров-тергов билан анча қийнашган. Аммо уйда ўтган гапларни менга айтмаганди. Мени ўтда куйдиргиси келмаган-да! Ноҳушлик дилимизга доғ бўлиб кўчди. У борган сари ёйилиб фикр-хаёлимизни қамраб ола бошлади. Чунки биз иккимиз ўз бахтимиз, деб ота-онамизга қарши боришимиз керак эди-да! Бу эса биздек тарбия кўрган фарзандлар учун ўта оғир эди. Ота-она юзига оёқ тираш, «сиз эмас, биз» дейиш ўлим эди!...

Соат учда кўнги-роқ қилсин, дебди. Гаплашдик. Гаплашганда ҳам мардона гаплашдик. Энди «нима қилсангизлар қилинлар», дея «жазо»ни бўйимизга олиб гаплашдик... Эртасига қизлардан менга настарин (сирень) гул бериб юборибди. Шодликка тўлдим. Қайгуларим кун-пала кун тўзғиб кетди. Гулни анча вақтгача гулдонда сақладим. Шу бўлди-ю, яна дийдорлаша бошладик.



Мақтабга ҳаммадан эрта келиб оладиган бўлдик. Бир-биримизни гоҳ мақтаб эшиги ёнида, гоҳ ховлида кутиб ола бошладик. Баъзан, кутиб олишлар куруқ бўлмасди. Орасига мактуб солинган китоб алмашар эдик. Ўқиш тугаб, бизга бир-биримизни топиб берган, ўз бағрида болалигимизни, қалб туйғуларимизни ардоқлаган, севгимизни ёмон кўзлардан авраган мактабимиз билан хайрлашиш кунлари яқинлашиб келмоқда эди. Биз эса хайрлашиш оларини сира-сира истамас эдик. Тансиқ туйғуларимизни ардоқлаб қадрдон мактабимиз кучоғида қолгимиз келарди. Устига-устак, мактабдан кейин «нима қиламиз» деган фикр бизни бешбадтар қийнар эди. Не-не азоб-у қувончларни тақдим қилган муҳаббатимизни мактабдан кейин ҳам асрай оламизми? Яна қандай тўғаноқларга, қаршиликларга учраймиз! Бизни эртага қанақа кунлар, қандай синовлар кутиб турибди экан?...

ги ўриндиқнинг суянцигига қўяман. У нам манглайини билангимга қўяди. Қўлим қизнинг нажотсизликдан оқиб тушаётган кўз ёшларига ювлади. Бемажол бошимни унинг елкасига қўяман. Биз узоқ шу ҳолатда туриб қоламиз. Бу — чорасиз қулган, ҳали худаям гўр икки ғариб ошқининг сўнгги видолашув онлари бўлса, не ажаб!

Тошкент баҳори гул-гул очилиб, сочилиб яшнаб кетган кезлар. Мана, биринчи имтиҳон: адабиётдан ёзма-иншо. Синфларимиз қўшилган. Мен катта залнинг ўрта қаторида ўтирдим. Муяссар эшиқдан кириши билан мен томон юради ва сўл қаторга — менга яқин партага келиб ўтиради. Ораликдаги ўтиш йўлини ҳисобга олмаганда биз деярли ёнма-ён ўтирар эдик. Биз бир-биримизга омад тилагандек қарашиб оламиз. Ёнма-ён ўтириш кўнглимизни хотиржам қилади.

Муяссар: «Ўзимни ўзим...» деди, гапини давом эттира олмай, йиғлаб. Мен дахшатга тушдим. Нима қилишни, нима дейишни билмай эсанкираб қолдим. Ўйлай-ўйлай ўзимдан совитиш фикрига келдим. Бу менга қанчалик оғир бўлмасин, шу фикрни мақбул топдим. Нима деганим эсимда йўқ, аммо у ниятимни тушуниб қолди-да: «Азизим, қўйинг, мени ҳеч қачон ўзингиздан совитманг. Йўқса, тириклайин адо бўламан!» деди... Қизик, Муяссар исминини айтиб ҳеч қачон қақирган ҳам, мурожаат этган ҳам эмас эди. Фақат ахён-ахёнда мактубларида исминини тилга оларди. Ҳозир ҳам исминим ўрнига «азизим» сўзини ишлатди. Албатта, бу ширин сўз менга жуда-жуда ёқар эди...

Имтиҳондан сўнг истироҳат боғига кетдик... Охириги имтиҳондан кейин эса Тахтапұлдаги «Собир Раҳимов» номли кинотеатрга кирдик. Залда бирга ўтирар эканмиз, қиз қалби юм-юм йиғлаётгандай эди. Бу — охириги имтиҳон, охириги кино, охириги дийдор бўлса-чи?! Мен Муяссарим қўлини қақтимга олиб нажотсиз, унсиз унга тикиламан. Иккинчи қўлимни олдин-

Олий ўқув юртиларига ўқишга тайёргарлик бошланди. Телефон орқали гаплашиб тура-миз. Тасодифан Қарши шаҳрига ўқишга кетадиган бўлиб қолдим. Хайрлашув қизгин, самимий бўлиши билан бирга иккимизга умид бахш этди... (Давоми бос)

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 19.00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълолар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Манзилимиз: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЯ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10898
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Расом — Н. ХОЛМУРДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОХИМОВ
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ
2 3 4 5 6